# МУЛКДОР МАЪНАВИЯТИ

## Бу тўғрида ўйлаб кўрганмисиз?

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтилиши натижасида жамиятимиз таркибида жиддий ўзгаришлар юз бериб, янги табақа ва қатламлар юзага келаётир. Бу жараённинг етакчи йўналиши мулкка нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгариши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши билан белгиланади. Бу — истиқлолимиз туфайли эришилган катта ютуқларимиздан бири, албатта. Аммо, эътироф этиш керакки, янги синфнинг ички таркиби ва маънавий қиёфаси турлича бўлиб, бу ҳолат алоҳида эътибор ва таҳлилга молик ҳисобланади.

Хусусий мулкка эгалик ҳисси ҳамма замонларда ҳам бўлган. Кўпчилик ўз меҳнати самараларидан тўла баҳраманд бўлишни, истеъдоди, тадбиркорлиги боис роҳат-фароғатда яшашни орзу қилган. Аммо шўролар замонида бунга мутлақо йўл берилмади. Боз устига, тадбиркорликнинг йўли тўсилди, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш йўлидаги ташаббуслар қўллаб-қувватланмади. Хусусий мулк тўғрисида эса ҳатто оддий мулоҳаза юритишга ҳам изн берилмади.

Истиқлол бу тўсиқларни йўлдан олиб ташлади. Тўқсонинчи йилларнинг бошларидаёқ жуда кўпчилик мулк эгаси бўлди. Бу жараён то бугунга қадар изчиллик билан давом этаётир. Жамиятимизда янги синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи янги қонунлар қабул қилинди. Бугун ўз меҳнати самаралари ҳисобига завод, фабрика, қўшма корхона қуриб, харидорбоп маҳсулотларини ўзимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам бемалол сотаётган тадбиркорларни кўриш оддий воқеликка айланиб қолди. Яна бир қувончли нарса шуки, мулкдорлар синфининг шаклланиши боис, ҳомийлик, саховатпешалик ҳаракатлари ҳам сезиларли даражада кучайди. Эндиликда ҳаммамиз бу ҳаракатнинг фаол иштирокчилари — кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар тўғрисида ғамхўрлик қилаётган, маҳаллаларни обод қилаётган, йўл ва кўприк қуриб, элнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган ватандошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Истиқлол самаралари бўлмиш турли хил жамоатчилик жамғармалари ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқдаларки, бу ҳам кўнгилда мунаввар туйғулар уйғотади. Аммо...



Очиқ айтиш керакки, мулкдорларнинг ҳаммаси тўғрисида ҳам бундай фикрларни айта олмаймиз. Мақоламиз бошида уларнинг таркиби маънавий жиҳатдан турлича эканлигини бежиз таъкидлаганимиз йўқ. Хусусийлаштириш жараёни бошланганида, бу борадаги тажрибанинг камлиги, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг етарли эмаслигидан фойдаланган айрим иштаҳаси карнай раҳбарлар ўз лавозимларидан фойдаланган ҳолда бир айланиб, мулкдор бўлиб қолдилар. Бу тоифанинг биринчи қусури — нима қилиб бўлмасин, бойлик орттириш, мол-мулк йиғиш. Бунга эришиш учун ҳеч нимадан қайтиш йўқ. Маҳалла ҳаётида иштирок этиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, хайрия тадбирларида қатнашиш хаёлларига ҳам келмайди. Иккинчи қусур — дабдабавозлик, ким ўзарга тўй қилиш, иморат қуриш, курганда ҳам, қўшнинининг уйидан ҳеч бўлмаса бир қарич баланд қилиб қуриш.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да данғиллама иморатларнинг бир нечасини қуриб қўйиб, ўзи болалари билан ҳужранамо уйда яшаётган, болалари, набираларига энг оддий шароитларни ҳам яратиб бермаган манман мулкдорлар тўғрисида бир неча марта ёзилди. Бизнингча, бу мавзуни бундан кейин ҳам давом эттириш керак. Гап шундаки, бундай одамлар ён-атрофларида ўзлари билан бирга умргузаронлик қилаётган оддий, камсуқум, ҳалол-пок ва, албатта, камхарж одамларни менсимайдилар, уларга паст назар билан қараб, бирор бир муаммо чиққудек бўлса, уни пул билан ҳал қилишга уринадилар. Имкониятлари бўла туриб, газ, сув, электр ҳақини вақтида тўлашмайди, қинғир ишлар қилишади.

Бунга қўшимча, кейинги пайтларда баъзи "мулкдорлар"нинг иштаҳаси очилиб, кўчанинг бир қисмини бемалол қўшиб олиш, пиёдалар юрадиган, болалар мактабга қатнайдиган йўлакларни темир панжаралар билан ўраб, ноқулайлик туғдириш каби иллат ҳам урчиб бормоқда. Жамоатчилик, матбуот, биринчи навбатда маҳалла бунга бефарқ бўлмаслиги керак.

**Ўринбой ТОШТЕМИРОВ,**
**Рашидхон ШУКУРОВ**

# “МУҚАДДИМАТ УЛ-АДАБ”НИНГ ТОКИО НАШРИ

*Ўзбеклар ва дунё*

Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддимат ул-адаб" асари кўптилли қомуслар сирасига киради. Дунё қўлёзма хазиналарида унинг юзга яқин нусхалари сақланмоқда. Олимлар у ҳақда бир неча диссертация ва кўплаб мақолалар ёзган бўлишларига қарамай, ҳамон ушбу луғат аслида неча тилли бўлганлиги масаласи номаълум бўлиб қолмоқда. Айрим тадқиқотчилар хоразмлик олим уни иккитилли: арабча-форсча шаклида тузган десалар, бошқалар учтилли: арабча-ўзбекча-форсча ҳисоблайдилар. Замахшарийшуносларнинг кейинги йиллардаги изланишлари охирги фикрда жон борлигини кўрсатади. "Муқаддимат ул-адаб"нинг энг қадимий, олим яшаган даврга яқин Ёзган (Туркия) нусхаси учтилли — арабча-ўзбекча-форсча бўлиб, ҳижрий 655 йил учинчи жумод ул-аввал, яъни 1257 йил 27 майда, олим вафотидан юз йил кейин кўчирилган. Доғистон тарих, тил ва адабиёт институти фондидаги қўлёзма ҳам учтилли бўлиб, ҳижрий 731 — милодий 1330 йили Хоразмда котиб Маҳмуд бин Юсуф томонидан кўчирилган. Луғатнинг Заки Валидий Тўғон ўрганган Олтин Ўрда нусхаси ҳам учтилли бўлиб, 741 ҳижрий 26 муҳаррам, яъни 1340 йил 12 июлда китобат қилинган. У Истанбулдаги Археология музейи фондида сақланади. Ана шу уч мўътабар манба асосида Маҳмуд Замахшарий луғати асли учтилли бўлган бўлса керак, деган фикрни олға суриш мумкин.

Хоразмшоҳ Отсиз буйруғи билан тузилган ушбу "Луғати Хоразмшоҳий" (машҳур библиограф Котиб Чалабий ибораси) кейинчалик мўғулларнинг юртимизга кириб келиши билан тўрттилли луғатга айлантирилган: арабча-ўзбекча-форсча-мўғулча. Фитрат домланинг маълумот беришича, ҳижрий 898, яъни 1492 йили котиб Дарвиш Муҳаммад томонидан китобат қилинган ушбу нодир ёдгорлик бизгача етиб келмаган. Бизга 1921 йили Мирза Мавлон валади Мирза Икром Бухорий қўли билан кўчирилган нусха етиб келган. У узоқ йиллар Бухородаги Ибн Сино номидаги кутубхонада сақланган. Унда устоз Фитратнинг муборак қўлларининг изи бор. Олим ушбу нусха ҳақида "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг 1925 йил 7 — 8-сонларида бир мақола ёзганлар. Устоз луғат арабча-форсча-ўзбекча эканлигини таъкидлар экан, "Ондан тубан мана шу билмаганимиз тилда ёзилган", деб тўртинчи — мўғул тили сўзлари ҳақида дастлабки маълумот берганлар. Ҳозир ушбу луғат Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи қўлёзмалар бўлимида сақланмоқда. "Муқаддимат ул-адаб" 1068 саҳифадан иборат бўлиб, ундаги арабча, форсча, мўғулча сўзлар қора, ўзбекча калималар қизил сиёҳда ёзилган. Ўзбекча сўзларнинг қизил сиёҳда ёзилиши унинг ўзбек тилининг нодир ёдгорлиги эканлигига ишора, деб тушунмоқ керак. Ушбу луғат кўпдан бери дунё шарқшуносларини қизиқтириб келмоқда. Ана шу қизиқиш 2004 йили икки япониялик олимнинг Тошкентга келишига сабаб бўлди. Канда чет тиллар университети профессори Канно Хирооми ва Токио давлат университети профессори Сайто Ёсио Адабиёт музейи директори, профессор Саидбек Ҳасанов билан музокара олиб бориб, келгусида ушбу луғатнинг факсимил нашри ҳақида келишиб олган эдилар. Мана шу келишув асосида 2008 йил бошида Токиода ушбу луғат нашр қилинди. Полиграфиянинг охирги ютуқлари асосида чоп этилган ушбу ёдгорлик дизайни японларга хос юксак дид билан бажарилган. Нашр сўзбошисида профессорлар Саидбек Ҳасанов ва Зоҳиджон Исломов луғатнинг тарихи, ички тузилиши ҳақида рус ва инглиз тилларида батафсил маълумот берганлар. Луғатда исмлар лўнда, аниқ изоҳланган. Чунончи, арабча **жадй**, форсча **бўзғала**, ўзбекча **ўғлоқ**, мўғулча **умкун**(142b) тарзида ўгирилган. Арабча **сим**, форсча **заҳар**, ўзбекча **оғу**, мўғулча **қура**(148a) шаклида изоҳланган. Феълларнинг ҳам таржимаси диққатга сазовор: **ажифа ажфа — лоғар шуд — оруқ бўлди — турқодоба(313a), ба бил исми — бардошт гуноҳро — ёзуқти кўтарди — эради рур куба(271b), варран — дўст доштан — дўст тутти — анда бариба тутти(271b).**

XII асрга оид ушбу луғатни шўро туркшунослари бизга умумтуркий ёдгорлик, яъни у ҳамма туркий халқларга тааллуқли, деб ўргатдилар. Биз ҳам луғатни кўрмасдан, ўқимасдан, тўғрироғи, ўқий олмасдан Хоразмда ўзбекларнинг ота-боболари яшаганлигини била туриб, бу таги пуч гапни қайтариб келдик ва ҳамон "илмий" ишларимизда уни умумтуркий ёдгорлик, деб ёзиб келмоқдамиз. Энди бу эртакнамо гаплардан воз кечадиган вақт келди.

Ҳар бир миллат ҳавас қилса арзийдиган "Муқаддимат ул-адаб" шу йилнинг ўзида Токио ва Чикагода икки марта нашр қилинди. Жоруллоҳ (Худонинг қўшниси), Фахри Хоразм дея шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий уни ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббати туфайли тузган. Миллий ғуруримиз бўлган ушбу луғатни чоп этиш бизнинг шарафли вазифамиз бўлмоғи керак.

**Эргаш УМАРОВ**

*18 апрел — Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш куни*

# МЕРОСИМИЗНИ АСРАЙЛИК

***1983 йил “Тарихий ва диққатга сазовор жойларни асраш халқаро кенгаши” Ассамблеясида (ЮНЕСКО қошида) қабул қилинган бу сана 1984 йил 18 апрелдан буён нишонлаб келинади.***

Мустақиллик халқимизнинг қадр-қиммати тикланишига, ўзлигини қайтадан намоён этишига йўл очди. Бизнинг авлод она Ватанимиз ва халқимиз тарихи билан фахрланиш имкониятига эга бўлди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз маънавий мероси қайта тикланди.

XX асрнинг 90-йиллари охирида республикамиз ҳудудида етти мингга яқин меъморий ёдгорликлар, маҳобатли санъат асарлари, археология ёдгорликлари ҳисобга олинган эди. Бу мамлакатимизнинг бутун ҳудуди қадимги маданият ва цивилизация ўчоғи бўлганидан далолат беради. Халқимиз маънавияти, қадриятлари тарихидан дарак берувчи ушбу ашёвий далиллар давлат муҳофазасига олинган.



Республикамиз ҳудудидаги ёдгорликлардан 66 таси жаҳон аҳамиятига моликдир. Уларни асраш ва муҳофаза қилиш, таъмирлаш, ўрганиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш билан шуғулланувчи устахоналар фаолият кўрсатмоқда.

Маданий ва тарихий ёдгорликларни илмий ўрганиш, таъмирлаб тиклаш, сақлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида республика ҳукуматининг бир қатор юбилейларни ўтказиш юзасидан қабул қилган қарор ва фармойишлари катта аҳамият касб этаётир. Зеро, мана шу қарорлар асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, концервиялаш, шунингдек, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларда янги, маҳобатли ёдгорликлар қурилиши юзасидан катта ишлар бажарилди. Бунга энг сўнгги улуғвор ишлардан бири сифатида Ҳазрати имом мажмуасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан маданий меросимизни авайлаб-асраш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар кўламини таърифлайдиган бўлсак, бажарилаётган бундай ишларнинг ҳажми фақат юртдошларимизни эмас, чет элликларни ҳам ҳайратга солмоқда. Шунга қарамай, бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Хусусан, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилот ва устахоналар ўртасида рақобат муҳити вужудга келтирилса нур устига нур бўларди. Рақобат бор жойда эса бажарилган ишларнинг сифатида юксак ўсиш ва ривожланиш янада баракали бўлади.

**Нурали ПАРДАЕВ,**
**Шарқшунослик институти талабаси**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Навоий вилоятида "Истеъдод" — 2008" танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танлов ҳайъати хулосасига кўра Навоий шаҳридан Муслима Нуримбетовага биринчи ўрин, "Наво" ашула ва рақс ансамбли аъзоси Аббос Эргашевга ва Кармана туманидан Анвар Қаландаровларга иккинчи ўрин, Хатирчи туманидан Анвар Бекназаров, учқудуқлик Жони Алпамисов, Навоий маданият коллежи талабаси Самандар Ҳамидовларга учинчи ўрин насиб этди. Ғолиблар вилоят ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда халқ ижодиёти марказининг совғалари билан тақдирландилар.

**М.КАРИМОВА**

* * *

Жиззах вилоят маданият ва санъат масканларида Амир Темур таваллудининг 672 йиллиги муносабати билан турли мавзуларда тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Амир Темур номидаги умумтаълим мактабида ўқувчилар ўртасида "Сиз тарихни биласизми?" мавзуида баҳс-мунозара кечаси ўтказилди.

Тадбирга йиғилганлар ўлкашунослик музейи, Жиззах санъат коллежи ҳамда вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари томонидан ташкил этилган экспонатлар, темурийлар тарихига доир фото кўргазмалар билан яқиндан танишдилар.

**Ҳ.БУРХОНОВ**

# УСТОЗ ИБРАТИ

*Яхшилар ёди*

Одамлар бор оламшумул ихтиролар қилишади, аммо уларнинг фанга қўшган ҳиссаси ҳақида жуда саноқли ҳамкасбларигина тўлиқ маълумотга эга бўлишади. Бошқа бир инсонлар борки, катта даъволар қилишмайди, оддий бир дарслик ёзишади, аммо бу дарсликни ўқиб йиллар давомида минглаб талабалар муайян бир соҳанинг сир-синоатларига кириб боришади. Фалончининг дарслиги дейилса, ҳамма бир овоздан "биламиз", "ўқиганмиз", "фойдаланганмиз", дейишади.

Динимизда "савоби жория" тушунчаси бор, яъни бир инсон масжид ёки мадраса қурса, элга фойдали бир китоб ёзса, ўша яратган нарсасидан халқ неча йил фойдаланса, шунча йил давомида ўша одамга савоби ёзилади. Мўътабар 80 ёшлик юбилейини нишонлаш арафасида бу омонат дунёни тарк этиб, боқийлик сари қадам қўйган устоз Малик Абдусаматовнинг худди шундай "савоби жория" ишлари бугун ул зотдан эсдалик бўлиб қолди.

Устоз Миллий университетнинг Шарқ факултети, кейин Тошкент давлат шарқшунослик институтида 50 йилдан ортиқ даврда талабаларга форс тилидан дарс берди. Қолаверса, профессор Ҳомиджон Ҳомидий топиб айтгандек, Малик ака юртимиздаги бошқа олий ўқув юртларининг ҳам "ғойибона" домласи бўлган, десак нотўғри бўлмайди. Чунки М.Абдусаматовнинг 1972 йилда илк бор нашр этилган "Форс тили" дарслиги ўша пайтда Ўзбекистонда ва ўзбек тилида нашр этилган илк дарслик бўлиб, нафақат шарқшунослар, балки ўзбек филологлари, тарихчилари ва бошқа соҳа мутахассислари учун ҳам жуда қадрли қўлланма бўлди. Дарсликнинг уч марта қайта нашр қилиниши (охирги тўлиқ қайта ишланган нашри 2007 йилда мухлислар қўлига тегди) унинг кўпчилик учун нақадар керакли китоб эканлигини кўрсатиб турибди.

Ватанимиз мустақилликка эришганда устоз 60 ёшдан ошган эдилар. Шунга қарамай янги имкониятлардан илҳом олиб, "Эрон адабиётидан намуналар" (2003), "Форсча-ўзбекча луғат" (2003), "Форсча мақол ва маталлар" (2007), "Форсча-ўзбекча-русча сўзлашув" (2007), "Форсча қизиқарли латифа ва ҳикоялар" (2007) каби китоблар чоп эттириб, нафақат талабалар, балки кўпчилик тил ўрганиш иштиёқмандлари учун фойдали манба ва маълумотларни етказиб бердилар.

Устоз савоб иш учун ҳеч қачон эринмай ва ўзларини аямай жонбозлик кўрсатиб келган. Мустақиллик йилларида тайёрланган "Ўзбекистон Шарқшунослари" ва "Востоковеды Узбекистана" китоблари қандай меҳнат билан рўёбга келганига шоҳидмиз. Малик ака ҳар бир шарқшуносга неча марта мурожаат қилиб, ўзи ҳақидаги материалларни етказиб беришни қайта-қайта илтимос қиларди. Материаллар қўлга киритилгач ҳам тинчимай, ҳар бир фактга аниқлик киритиш учун жон куйдирарди. Тошкентдагилар-ку майли, Шарқ факултетини Тошкентда ўқиб битириб, Москва, Ленинград, Қозон, Тбилиси, Эрон ва бошқа юртларга кетиб қолганлар қанча. Уларнинг манзилини аниқлаб, боғланиб, ҳаёт йўли ва илмий-ижодий фаолиятлари ҳақида материал йиғишнинг ўзи бўлгани йўқ. Аммо етмиш ёшдан ўтиб, саксонни қоралаган устоз ушбу оворагарчиликларнинг барчасини ҳафсала билан енгиб ўтиб, кўпчилик учун керакли китобни тайёрлади. Унинг русча нусхасини тайёрлашда яна қанча қўшимча материаллар йиғилди, таҳрир ишлари бажарилди. Натижада ўлкамизда етишган шарқшуносларнинг илмий-ижодий фаолияти бўйича яхши бир маълумотнома ҳосил бўлдики, биринчидан, юзлаб кишиларнинг меҳнати яққол кўзга ташланди, иккинчидан, юртимиз шарқшуносларининг улкан салоҳияти, улар амалга оширган салмоқли тадқиқотлар ёшларни бу йўлда рағбат кўрсатишга ундовчи бир маёқ вазифасини бажарувчи асар сифатида китоб жавонларидан ўрин олди. Кейинчалик шу асосда қўшимча материаллар билан "Ўзбекистон эроншунослари" китоби тайёрланди ва Эронда нашр этилди.

Малик акани кўпчилик эҳтиром билан ёдлашининг яна бир сабаби бор. У кишини деярли ярим асрдан бери танийми, биламиз, суҳбатларини олганмиз. Шунча давр ичида домланинг бировга овозини баландлатиб гапирганини ҳеч ким эшитмаган. Алишер Навоий ислом ахлоқида "ҳилм" (ҳалимлик, юмшоқ сўзлик, юмшоқ кўнгиллик) фазилатига алоҳида аҳамият берган. Айни шу фазилат, назаримизда, Малик ака табиатидаги етакчи хислатлардан эди. Меҳнаткашлик, кўпчилик иши учун фидойилик ва ҳалимлик устознинг ёшларга ибрат бўлгулик улуғ фазилатларидан эди, десак хато бўлмас.

**М.ИМОМНАЗАРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**А.ИСМОИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

***Олтойликларнинг қиёмат тасвири берилган қадимий ривоятларидан бирида айтилишича, охир замон бошланиши билан қора ер оловга қопланиб, буюк қоон Ота тангрига қараб юз бурармиш. Фитна ва фасод тарқатувчи шамол инсонларни ҳаяжонга солармиш. Ҳамма жой теп-текис бўлгач, денгиз тўлқинланиб, унинг туби кўринар ва денгиз қаъридан тўққиз бўлак қора тош чиқар эмиш. Бу тошлар тўққиз жойидан ёрилиб, ҳар тошдан тўққиз чамбарли тўққиз сандиқ пайдо бўлар, ҳар сандиқдан темир қанотли тўққиз киши чиқиб, улардан иккиси сардорлик қилар эмиш. Одамлар роҳат-фароғатидан ажралиб, қаттиқ таҳликага тушармиш. Қуёш ва Ой нурсизланар, қорайиб қолармиш. Дарахтлар илдизидан қўпорилиб, ота боладан, бола ота-онасидан ажралармиш... Демак, қадим замонлардаёқ охир замон манзарасини чизишда тўққиз рақамига суянилган ва шу асосда унинг даҳшатига урғу берилган.***

# ТЎҚҚИЗНИНГ ТЎҚҚИЗ ХИСЛАТИ

Алишер Навоий ижодида тўққиз рақами билан алоқадор «тўққиз ано», «тўққиз ато», «тўққиз афлок», «тўққиз аркони давлат», «тўққиз парда», «тўққиз туҳфа», «тўққиз хон», «тўққиз қадаҳ», «тўққиз қатла юкунмоқ» каби бирикмаларнинг учраши тасодифий эмас. Навоий рақамлар воситасида бадиий образ яратар экан, ҳар бир рақам билан боғлиқ қадимий қарашларга ҳам таянади. Улуғ шоир шеъриятидаги «тўққиз гунбад», «тўққиз осмон», «тўққиз сипеҳр», «тўққиз табақ», «тўққиз торами аҳзар», «тўққиз фалак», «тўққиз чарх» каби иборалар бевосита осмон жисмлари билан боғлиқ.

Рақамлар замиридаги пинҳон маъно сирларини англаш, уларни аниқлашга уринмаслик баъзан янглиш ва хато хулосалар чиқаришга ҳам йўл очади. Алишер Навоий девонларида шундай байтлар ҳам мавжудки, уларни таҳлил ва талқин этиш, умуман, рақамга тегишли ҳар бир ишорат ва фикр устида пухта ўйлашни, тахминга йўл қўйиб бўлмасликни талаб қилади. Улуғ шоир бир ғазалида ёзади:

***Ҳамдингға ҳар кўтаҳ назар ҳам***
***гунгу лол ўлғай магар,***
***Чунким демиш хайрул башар***
***ул ерда лоуҳси сано.***
***Жинси башар йўқ огаҳинг,***
***хуршид хоки даргаҳинг,***
***Кўк маҳд аро тифли раҳинг***
***етти атоу тўрт ано.***

Байтдаги «тўрт ано» ва «етти ато» иборалари алоҳида таҳлилни талаб этади. Манбаларда тариқат аҳли руҳоний жиҳатдан руҳи Муҳаммадияни, жисмоний томондан Ҳазрати Одамни, расуллик сифатининг илк соҳиби бўлганлиги маъносида Ҳазрати Нуҳни, биринчи бора мусулмон деб аталганлиги учун ислом нуқтаи назаридан Ҳазрати Иброҳимни ота деб қабул қилганлар. Лекин Навоий байтида қўлланилган «тўрт ано»нинг инсонга алоқаси йўқ. Чунки унда аносири арбаъа — тўрт унсурга ишора қилинган. Бу тўрт унсур ҳарорат, бурудат, рутубат ва юбусат каби тўрт хусусиятни майдонга келтирган. Шулардан қон, балғам, савдо ва сафро юзага чиққан. «Етти ато»дан мақсад эса етти кўкдир. Баъзан етти рақами ўрнида тўққиз ҳам қўлланилган. Маҳмуд Шабустарий буни шундай тушунтиради: «Инсон ўз суратида зоҳир айлашдан олдин она раҳмида ва ота белида бир қатра сувдан иборат эди. Ота-она шу бир қатра сувни еган нарсаларидан, яъни ҳайвонот, наботот ва жамодотдан тўплашган. Бу уч борлиққа тўрт унсур она, тўққиз кўк ота эрур, яъни жамодот, наботот ва ҳайвонот тўрт унсур ва тўққиз қат кўкдан пайдо бўлган». Булар бевосита инсоннинг яратилишига дахлдор мулоҳазалар. Инсони комил масаласига келганда, етти ёки тўққиз кўк тушунчасига тамоман янгича ёндашилиб, унга бутунлай янги рамзий-мажозий мазмун сингдирилган. Азизиддин Насафийнинг ёзишича, инсоннинг ташқи аъзолари — бош, икки қўл, жинсий аъзолар ва оёқ етти иқлимни англатади. Ўпка, мия, буйрак, юрак, ўт халтаси, жигар ва талоқ сингари ички органлар етти кўкни тамсил этади.

Бу маълумотлардан келиб чиқадиган асосий ва муҳим хулоса шуки, мумтоз шоирларимиз самовий олам, жумладан, етти ёки тўққиз кўк хусусида сўз юритганда ҳамма пайт ҳам жисмоний мавжудликларни эмас, балки инсонга нисбат берилган рамз ва мажоз орқали комил инсон моҳиятини ёритишга қаратилган фикр-мулоҳазаларга ҳам диққатни жалб этишган. Бунга эса, мавжуд оламда бор ҳамма нарса одамда ҳам бор, комил инсон фақат ердаги эмас, самодаги барча нарсаларни ҳам ўзида жамлаган, деган ишонч кенг йўл очган. Шунинг учун ҳам Навоийнинг юқоридаги мисраларида «етти ато» етти кўкни, «тўрт ано» тўрт унсурни англатади, деган фикрдамиз.

Навоий бир неча байтларда «тўққиз ато»(«тўққиз ано») тушунчасига диққатни тортади:

***Неким тўқуз аною тўрт атодин***
***фитнаю офат,***
***Бўлур воқиъ, анга ул офати***
***фаттон эрур ворис.***

Навоий тўққиз осмон билан алоқадор бўлган фикрларни илгари сурар экан, оламнинг яратилиши, дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний қарашларни ҳам четлаб ўтмаган. Диний эътиқодларга кўра, бутун олам ва ундаги барча мавжудотлар буюк меъмор — Оллоҳ томонидан яратилган. Шоир бунга ишора қилиб шундай дейди:

***Сониъиким чекти чун***
***сунъиқ алам,***
***Офариниш тарҳини***
***қилди рақам.***
***Айлагач дойир тўқуз афлокни,***
***Қосир этти фаҳмидин идрокни.***

Яъни Яратувчи қудрат қалами билан оламни бунёд этди. У тўққиз фалакни айланувчи қилиб яратди ва бунинг сирини ҳеч кимга ошкор қилмади. Шоир девонларидаги ҳамд ғазалларнинг бирида етти кўк ҳам, тўққиз осмон ҳам «илоҳий амр»га тобелиги айтилади:

**Илоҳий амринга маъмур**
**етти торами аъло,**
**Не етти торами аъло,**
**тўқуз сипеҳри муалло.**

Демак, Навоий тўққиз рақамига мурожаат қилганда, бу рақамнинг халқимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналарида тутган ўрнига, диний мифологик қарашларда, тасаввуф таълимоти ҳамда адабиётидаги рамз ва маъноларига ҳам эътибор қаратган. Шунинг учун шоир шеъриятида тилга олинган рақамлар билан боғлиқ фикрлар таҳлил этилганда ана шу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, муайян рақамдан кўзда тутилган асл мақсад ва маънони ёритиш қийинлашиб, олимлар орасида баҳсу мунозаралар кўпайиб бораверади.

**Сафия ЖУМАЕВА,**
**филология фанлари номзоди**



М.МАҲМУДОВ олган сурат.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

# БАХТ ВА ОРЗУ ЭГИЗДИР



### УМИДЛИ ОЛАМ

Ёшларнинг бўлмайди яхши-ёмони,
Турланиб туради аммо ҳамиша.
Бирига азиздир китоб жавони,
Бирига, эҳтимол, бир жуфт ҳамшиша.

Ишқ борки, муқаддас эрур бу замин,
Йигит — зиёратчи, қиз эса — санам:
Ўйлаб ё ўйламай эртанинг ғамин,
Ўпишаверади рўза тутса ҳам.

Тақдир қолдирмагай уларни дардда,
Давр ила сургайлар давронларини.
Чунки, эс-ҳушларин йўқотсалар-да,
Йўқотиб юрмаслар ҳамёнларини.

### ЭСКИ ТАШБЕҲЛАР

Бирор сир борми, айтинг,
кўзингиз қорасида,
Қораймиш тахту бахтим
бу ишқ сайёрасида.

Юриб асру замонлар,
етолмас ёрга Мажнун,
Бу саҳро ичра абгор,
нетай мен — норасида?!

Кулиб боққаймикин ёр,
куйиб айтсам муножот,
Этарму ёки рўйхуш, ўқир бўлсам қасида?

Оширмай кўп жафони,
билиб қўйсин у барно:
Бўлур ғарқ ёшларимнинг
бамавж фавворасида.

Муҳаббат ўти этсин қуёшни ойга пайванд,
Ширин бўлмас висол ҳам,
аламдан қотса дийда.

Чимирманг қошни, жонон, дебон:
"Қайларда эрдинг?",
Йўқотмиш йўлни ошиқ
қошингиз орасида.

Жўшардим мисли булбул,
олиб завқ ҳуснингиздан,
Тилим лол энди, эвоҳ,
севишмоқ борасида.

### ГУЛАСАЛ

Турғун Бекназаров куйлайди:
Бахт кулиб бир умрга,
Бағримиз тўлди нурга.
Бир қизим бор, ул қизим
Гул билан асал бирга.
Гуласалхон, Гуласал,
Онанг гўзал — сен гўзал.

Гулни булбул баҳолар,
Ёзни кутар баҳорлар.
Ёшлигинг бир жилоси
Юз баҳорга баробар.
Гуласалхон, Гуласал,
Ҳаёт гўзал — сен гўзал.

Кўз очар гул сабодан,
Баҳр олар дил вафодан.
Қуллуқ қилгай икки қўл
Бир меҳрга жавобан.
Гуласалхон, Гуласал,
Дилинг гўзал — сен гўзал.

Бахт ва орзу эгиздир,
Мева кўрки мағиздир.
Ақли бирлан азизлар
Ҳусни бирлан лазиздир.
Гуласалхон, Гуласал,
Элинг гўзал — сен гўзал.

### УМР

Қаҳатчилик экан мен туғилганда,
Алғов-далғов экан замин
ва замон.
Тушунмасам ҳамки,
Зарур келганда,
Барчасин бир сўз-ла этардим баён:
— Ингаа!..

Етмиш йил яшагач,
қарасам, ёҳу,
Ақлим битта ҳарфга бойибди холос:
"Нечага киришни қиласан орзу?"
Дея сўрасалар,
деяман мен шоввоз:
— Мингтаа!...

### ЕРГА УРУҒ СОЧИБ...

*Дўстим Абдуллажон Ҳасановни эслаб*

Дунё — олтин тўла оддий бир хумча,
Унга жон бахш этар фақат гул, ғунча.
Ерга уруғ сочиб ёзилган исм
Порлагай
ўчмасдан дунё тургунча.

Чин инсон,
Юксакда этса-да парвоз,
Замин фарзандига кўтармас овоз.
Янгроқ пардаларда асрагай лекин
Унинг нафасини ҳаёт деган соз.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

# БИР МАЙСАГА БЎЙ БЎЛСАМ...



### ЯХШИЛИК

*Оқил одам аждодин*
*ёдин сира унутмас,*
*Авлодини ўйлаган*
*бешикларин бўш тутмас.*
*Эшик очиб бахтини,*
*айтинг, ахир ким кутмас,*
*Ўйламангки оламга*
*бахшиликка келганман,*
*Ниятларим аввали*
*яхшиликка келганман.*

*Бир майсага бўй бўлсам,*
*бир ниҳолга томчи сув,*
*Кафтларимга қуш қўнса,*
*ёдига келмай қўрқув,*
*Ёмон кўрганим ғафлат,*
*ёмон кўрганим уйқу,*
*Уйғотгувчи насимдек*
*мен ҳам тонглар елганман,*
*Бу дунёга аё дўст,*
*яхшиликка келганман.*

*Тиниқ осмон кўрмадим*
*Ватаним самосидек,*
*Ҳар сўз мени балқитмас*
*онамнинг дуосидек,*
*Ҳеч сўз дилим тилолмас*
*ҳикматнинг зиёсидек,*
*Навоий навосидан*
*туғёнларга тўлганман,*
*Шеъримда шарбат тутиб*
*яхшиликка келганман.*

*Атиргул армонини*
*тикон тиғида тутар,*
*Шайтонфеъл ёлғонини*
*сохта йиғида тутар,*
*Мардлар элнинг шонини*
*кўкда туғида тутар,*
*Тақдир отган тошига*
*кўп бор тикка келганман,*
*Асрагувчи Ҳақ бўлсин,*
*яхшиликка келганман.*

*Менинг ҳам орзуларим*
*кўксимда гуллаб ётар,*
*Менинг ҳам армонларим*
*бағримга тошдек ботар,*
*Тирик одам талпинса,*
*умидли тонглар отар,*
*Йўлимдаги янтоқдек*
*ёмонликни юлганман,*
*Маҳмуд, баҳри булоқдек*
*яхшиликка келганман.*

### МЕНГА

*Тўлқинлар туғёни жабримда мани,*
*Сукунат садоси сабримда мани,*
*Кўзимни тиндирар нурлар чамани,*
*Олам шеър шаклида кўринар менга,*
*Одам шеър шаклида кўринар менга.*

*Қатра сўз қоғозда балқиса хушман,*
*Дард дилдан кўзимга қалқиса хушман,*
*Билмайсиз, мен кўкка сиғмаган қушман,*
*Ой нечун қошимда кулади менга,*
*Наздимда яхши шеър тилади менга.*

*Майсага ялинсам бўйи чўзилар,*
*Булбулга "дўст" десам, куйи чўзилар,*
*Қизғалдоқни томда тўйи чўзилар,*
*Тиконлар тиғида бол тутар менга,*
*Лолалар лабида хол тутар менга.*

*Зарра гўзалликда ҳадсиз кенглик бор,*
*Бахтли одамларда битта тенглик бор,*
*Нечун ўзимдамас, инон-ихтиёр,*
*Кўнглим остонада гул сотар менга,*
*Ақлим остонада пул отар менга.*

*Бу кўнгил меҳрининг малҳами нечук,*
*Бу кўнгил қаҳрининг алҳами нечук,*
*Маҳмуд, бу кўзларнинг зам-зами нечук,*
*Ақлим кўкдан туриб боқади менга,*
*Кўнглим ерда ётиб ёқади менга.*

### САМОДАН ОЛГАНМИКИН

*Бу санам сарпосини*
*самодан олганмикин,*
*Ой нурин рўмол қилиб*
*бошига солганмикин,*
*Ҳуснининг ҳикоятин*
*айтганлар толганмикин,*
*Ошиқлар ичра биз ҳам*
*бўйлашиб кўрсак қани,*
*Бир булбул дилин очса,*
*куйлашиб кўрсак қани.*

*Сочларин шаршарасин*
*садолари хуш бунча,*
*Жилмайган жамолининг*
*жилолари хуш бунча,*
*Жонимни чақмоқлаган*
*жафолари хуш бунча,*
*Шу жафо, шу жилодан*
*айрилмай турсак қани,*
*Қатлимиз қиличига*
*қайрилмай турсак қани.*

*Ишқининг увоғини*
*ҳеч увол қилмагаймиз,*
*Зар деса заргаримиз,*
*хом хаёл қилмагаймиз,*
*Мен битта, ўзи битта,*
*бошқасин билмагаймиз,*
*Йўлларда йўлдош бўлиб*
*ёндириб юрсак қани,*
*Ағёр аҳлин ўзларидан*
*тондириб юрсак қани.*

*Дўст деса дўсти бўлиб,*
*ёр деса ёрони биз,*
*Жон деса жон олсин-у,*
*лек бўлсин жононимиз,*
*Малакми ва ё ҳурдир,*
*биз ҳамон ҳайронимиз,*
*Сўз билан сийлаб бўлса*
*тиллашиб кўрсак қани,*
*Дил дилнинг тилмочидир,*
*диллашиб кўрсак қани.*

*Биз умид уммонида*
*қулочни катта отдик,*
*Биз орзу осмонида*
*кун билан бирга ботдик,*
*Шабнамлар шаробини*
*тонг билан бирга тотдик,*
*Дийдор дурини, Маҳмуд,*
*қўш қўлда терсак қани,*
*Ҳам қадр қўрғонида*
*қандимиз урсак қани.*

### БЕШИКДАГИ БОЙИМ

*Набирам Зиёдбекка*

*Кўз тегмасин дея кўзмунчоқ таққан,*
*Туморлар ичинда сўз мунчоқ таққан,*
*Инжа табассуминг жонимни ёққан,*
*Бахтим боғидаги гулим, болажон,*
*Тахтим тоғидаги нурим, болажон.*

*Остонам эгаси, бешикда бойим,*
*Кўксимнинг кўкидан тушмаган ойим,*
*Қувончим қўшиғи сиғмаган сойим,*
*Тойчоғим, тилмочим, тилим, болажон,*
*Дил ичра сен ўзинг дилим, болажон.*

*Отанг шодликлари шалола бу кун,*
*Онанг ол юзлари гул лола бу кун,*
*Момонг аллалари хуш нола бу кун,*
*Тиллога топилмас дурим, болажон,*
*Ҳур юртнинг хуш нори, ҳурим болажон.*

*Бахт бизнинг бўйга ҳам бўйлашиб келди,*
*Дўсту ёронларим куйлашиб келди,*
*Бешиклар безашиб тўйлашиб келди,*
*Мени элга қўшган, элим, болажон,*
*Хуш дуога очдим қўлим, болажон.*

*Юз билан юзлашиб, шодон юргайсан,*
*Дарди бор одамга дармон юргайсан,*
*Оқиллар олдида комрон юргайсан,*
*Ёруғ бўлсин десанг йўлим, болажон,*
*Умрингни чироғи илм, болажон.*

### ҲИКМАТ

*Тошдан малҳам топган бормикин,*
*Тош ҳам меҳримизга зормикин,*
*Бошимизга ёққан қормикин,*
*Тош бўлсанг ҳам бош кўтар, айтгин,*
*Умр бунча тез ўтар, айтгин.*

*Тундан ёғду сўраб бўлурми,*
*Гулдан оғу сўраб бўлурми,*
*Бошдан қорни кураб бўлурми,*
*Жавоби йўқ саволлар елар,*
*Нечун мени йиғлагим келар.*

*Савоб олдда чорлаб турганда,*
*Гуноҳ қонда порлаб турганда,*
*Иймон хазин зорлаб турганда,*

*Виждонимдан уялдим кеча,*
*Худо, менга инсоф бер пича.*

*Чумолини чимчилаб бўлмас,*
*Капалакни қамчилаб бўлмас,*
*Чаёнларни эркалаб бўлмас,*
*Билганини, билгандан сўра,*
*Ўлмай туриб ўлгандан сўра.*

*Қувонч кунда йўқламас экан,*
*Қайғу сира ухламас экан,*
*Маҳмуд эди сизга дил тўккан,*
*Шеър аслида дил сийратидир,*
*Сўз ҳикмати, кўз ҳайратидир.*

### АРАЗ

*Халқ оҳангида*

*Ачинса алам қилсин,*
*Жаҳлин жиндек кам қилсин,*
*Қалампирни қошига*
*Билмасдан қалам қилсин.*

*Қабоғига хушим йўқ,*
*Баҳор келди, қишим йўқ,*
*Кўнгил отлиғ қафасдан*
*Қўйворгувчи қушим йўқ.*

*Гиналари ўзига,*
*Парвойим йўқ сўзига,*
*Худойимга арз қилсам,*
*Сепкил тошар юзига.*

*Юрсам йўлга сиғмайман,*
*Ахир қандоқ юргайман.*
*Пешонамдан тўйдим мен,*
*Пешонамдан кўргайман.*

*Қайтсин ўзим биларман,*
*Бошидан қум эларман.*
*Сочларини супурги,*
*Қўлин касов қиларман.*

*Кўзларимга боқ мени,*
*Тоқатларим тоқ мени,*
*Янтоқ нима, ўрикнинг*
*Ўтинида ёқ мени.*

Эссе

Омон МУХТОР

# ШУҲРАТ ДОМЛА

Қўлимда Шуҳрат домланинг 1984 йилда олинган бир сурати... Юзида, айниқса, кўзларида шундай азоб-изтироб муҳрланганки! Ишонмаслик мумкин, ҳатто қалин тугик қошлари унинг оғир ички ҳолатини акс эттирган.

Жуссаси йирик, одатда, ишонч билан кўксини мағрур кўтариб босиқ, дадил юрадиган бу киши ёши олтмишдан ўтиб етмишга бораётганида, шу Шуҳрат акамми, дейдиган даражада бехос чўкиб, чарчаб қолган эди. У яна ўн йилдан кўпроқ яшаса-да, ўшандаёқ бир умрлик уқубатлар натижасида соғлигига путур етиб, умр шами сўна бошлаганди. Хаста жисмини домла, кейин маълум муддат "ташиб" юрди, холос.

Сурат менга эслатди... Ўша йиллар ораси бир куни, Шуҳрат ака халқ ёзувчиси бўлибди, деган хабарни эшитиб, табриклагани Олой бозорининг орқа тарафида, 2-трамвай йўлида жойлашган уйига бордим. Уйда, дастурхон атрофида оқсоқол ёзувчилар — Ҳаким Назир, Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Асқад Мухторлар ўтиришарди. Дам ўтмай, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад акалар келишди.

Келиб-кетаётган кўп эди. Лекин мен устозлар суҳбатини қизғаниб сал тутилдим. Бутун адабиёт аҳли Шуҳрат акага юксак унвон берилишини анчадан буён кутаётганди. Унинг ўзи ҳам... Мен, Шуҳрат домланинг тенгдошларидан ёши кичик, хизмати кам ижодкорларгача бу унвонга сазовор бўлишгани-ю, ёзувчи ҳам ожиз банда, эътиборга муҳтож эканлиги, давр нотантилигини ҳали тушунмай, ҳозир шу унвон Шуҳрат акага шарт эканми, деб ўйлар эдим. Ўша куни тушундим... Домланинг юз-кўзида севинчдан кўра кўпроқ қаноат ифодаси бор эди. Яна унинг қиёфасида таскинга ўхшаш кайфият сезиларди. Гап шундаки, Шуҳрат ака учун бу унвон — бир умр ҳалол яшаб, ишлаб, турли "ўйин"лар туфайли Шўродан нуқул дакки еб, жафо чеккан кишининг "оқланиш"и эди.

У боксчиларга ўхшаб қўллари кўкси қаршисида мушт бўлиб тугилган, улар гоҳ-гоҳ титраётган ҳолатда, бир жойда ўтиролмай ҳадеб ўрнидан туриб, ўғиллари шу ерда, хизмат қиладиганлар етарли бўлганига қарамай, ўзи ҳам шахсан нимадир қилиши керакдек куюнаётган эди.

* * *

Шуҳрат акани элликинчи йиллар охири — олтмишинчи йиллар бошланиши, талабалик давримдан билардим. Дастлаб у ҳақда эшитганимиз, яқинда қамоқдан қайтган ёзувчи, дейишарди... Эски санъат музейи биноси пинжида бир қаватли мўъжаз имора тикланган, бу ерда "Ёш ижодкорлар клуби" ташкил этилган эди. Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Гулчеҳра Жўраева, Раззоқ Абдурашид, раҳматли Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Азиз Абдураззоқ, Анвар Эшонов, Ўктам Усмонов ва бошқалар ҳафта-ўн кунда бу клубдаги машғулотларда қатнашишарди. Машғулотлар, асосан, таниқли адиблар билан учрашиб, уларнинг ҳаёт ва ижод тажрибаларини ўрганишдан иборат эди.

Бир гал устоз Мирзакалон Исмоилий билан учрашганимизни эслайман.

Иккинчи гал Шуҳрат домла билан. Ҳеч унутмайман, Шуҳрат домла:

— Шоҳнинг душмани шоҳ, гадонинг душмани гадо экан, — деб сўзини халқ ибораси билан бошлаган. У очиқ-ошкор шахсга сиғиниш сиёсатининг одамхўрлигини айтиб, ўттизинчи йиллар илк қатағон шамоли хуружига учрасада, қутулиб қолгани, аммо урушга бориб қон кечиб қайтганидан сўнг, янги кўтарилган шамол уни ноҳақлик, бировларнинг туҳмати оқибатида "учириб" кетганини бурро тилда, аллақандай ёниб-жўшиб гапириб бергани ҳам ёдимда. Домла "шоҳ" ва "гадо" тўғрисидаги иборани бошқа ибора — золимлар "пичоқнинг сопини ўзидан чиқарган", деган маънода келтирганини биз ёшлар унча тушунмаганмиз. Кейин тушуниб етдим.

Йиллар давомида бот-бот менга Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар қамаб йўқ қилингач, уларда бўлган халқ, миллат руҳи "узилиб" қолган, сўнгандек туюларди. Улғая бошлаб ҳис этдим. Бу руҳ устоз Ойбекда "давом" этиб сақланган экан. Яна домла Тўхтасин Жалолов билан Шуҳрат домлада! Булар иккиси — бошқа адибларни айтолмайман, билмайман — қамалганда ҳам шу руҳ, халқ, миллат учун қамалган... Шу ўринда айтай. Умуман, Тўхтасин ака билан Шуҳрат акани ажабки, бир неча "нуқталар" яқинлаштиради. Булар иккисининг ҳам афти-ангорида кўрган бировда иштибоҳ туғилмайдиган олижаноблик барқ урарди. Иккиси ҳам атрофдагиларга ёши, мавқеи эмас, одамий хислатларига қараб баҳо берарди. Жисми-жонида маърифат нурини ташиган ва шиддатли қайсарлик билан ҳимоя қилган ғайратли, жасур кишилар эди. Фақатгина ўйлагани, билганини, меҳрибонлик, хайрихоҳлик билан, сал ҳаяжонланиб, бироқ эркакча қатъий гапирарди. Давр камситган бу инсонларнинг одамлар орасида обрў-эътибори катта эди.

* * *

Шуҳрат ака билан яқиндан танишиб (у, кейинчалик мен ҳам кўп йил ишлаган) "Шарқ юлдузи" журнали редакциясида, адабий давралару йиғинлардан тортиб Навоий кўчасидаги Маҳмуд аканинг чойхонасигача — ҳар ерда, ҳар хил шароитда кўришиб юриб, бир куни унинг айтган гапи хотирамда қаттиқ ўрнашиб қолган.

— Ҳаётда инсон ҳар нарсага чидаркан. Чидаши керак экан! — деган эди Шуҳрат ака. — Урушда қатнашганлар неча соатлаб совуқ хандақда ўтирганини эслашади. Хандақ нима?! Бир гал тун бўйи ботқоқда тик турганмиз. Сув бўлса гўрда эди, бўғзимизгача балчиқлой, кишини ана-мана домига тортиб ютадиган ҳолат...

Шуҳрат домлани ҳаётдаги машаққатлар, кулфатлар ўзи мард, матонатли қилиб тарбиялаган эди.

Адиблар орасида Шуҳрат ака даражасида ёшларга беминнат-беғараз меҳрибонлик кўрсатган кам топилади. Ижоддан бошлаб ҳаётдаги жумбоқларгача унга бемалол суяниш, дардингни айтиш, маслаҳат олиш мумкин эди. Ҳар қадамда, бировни ажратмай барча ёшларни қўллаб-қувватлар, изчил кузатиб борар, гоҳида озор етказмай насиҳат ҳам қилар эди.

— Китоб ўқишга эринманглар. Катта китобларга оғриниб-зерикиб қараманглар, — деган эди бир куни. — Мен урушни кўрган киши "Шинелли йиллар"ни ёзишдан олдин барибир "Уруш ва тинчлик"ни тўрт марта ўқиб чиққанман. Адабиётни ўрганмай қўлига қалам олишнинг маъноси йўқ.

Кўпинча ёнида тўпланиб қолганимизда, ёшлар қатнашган йиғинларда:

— Бир-бирларингни суянглар, асранглар, бир-бирларингга ёрдам беринглар. Эсларингда турсин! — деб ҳам насиҳат қиларди.

Унинг ўзи иқтидори, мавқеи, феъл-атвори турлича катта ва тенгдош адибларнинг барчаси билан бир хилда, яхши муносабатда бўларди... Вали Ғафуров Шуҳрат акадан жилла ёш (тўрт ёш кичик), лекин урушда қатнашиб кўзини йўқотган киши эди. Тўла ишонч билан айтаманки, агар Шуҳрат ака "Вафодор" романини жиддий тузатиб-тартибга солиб, "Игна билан ёзилган роман" деб атаб "Шарқ юлдузи" журналида бостирмаса, Вали ака ёзувчи бўлиб танилмас эди. Бу адибга эътибор бериб, меҳр кўрсатиш менга Шуҳрат акадан "юққан".

Ёши улуғ авлод-чи? Абдулла Қаҳҳордек ҳаётга, ижодга талабчан киши, эҳтимолки, бу гапларни билганидан, умрининг сўнгги кунларида бошқа бирон адиб эмас, Шуҳрат домлага ишонган, суянган эди.

* * *

Баъзан адабиётшуносларга кескинроқ эътироз билдирган пайтларим бўлади. Бундан мен бу адабиёт заҳматкашларига ёмон кўз билан қарайман, деган хаёлга бормаслик керак. Устоз Ҳамид Сулаймонни кўрганим, озгина сўзлашиб, менда шубҳа уйғотган, тарихимиз, жумладан, адабиёт тарихига тегишли саволларга жавоб олганимни бахт деб биламан. Бу улуғ инсон менга олисланиб бораётган тоғдек туюлади. Устоз Иззат Султонни — бевосита домлам Матёқуб Қўшжонов узоқ давр бирга ишлаганидан — доим кўриб турар, бу одамнинг ҳар бир сўзини "тарозида тиллага тенг" тортгим келарди. Устоз Абдуқодир Ҳайитметов билан бир оз қадрдонлигим бор эди, суҳбатларидан баҳраманд бўлган, гоҳо бирга нон-туз тотганман. Олимнинг умри охирида "шунчаки ҳавас" деб ёзган ҳаётий ғаройиб ҳикоялари нашр этилишида иштироким бўлганидан мамнуният сезаман. Устоз Озод Шарафиддинов қўлида ўқиганим, шогирдларидан бўлганимдан фахрланаман... Сўзни давом эттириб, яна айтишим шарт. Устоз Азиз Қаюмовни ҳар гал учратганимда, бағрим қандайдир нурга тўлади. Бетакрор бу самимий, хокисор инсон тимсолида адабиётга чинакам шайдолик ва бу туфайли бутун ҳаётга ошуфталикни кўраман. Устоз Суйима Ғаниева опамизга ҳурматим чексиз. Тўра Мирзаев, Наим Каримов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Йўлдош Солижоновни, ёшлари мендан жуда катта бўлмаса-да, домлалар қаторига қўшаман. Мендан сал кичик ёшдаги Бахтиёр Назаров, Иброҳим Ҳаққул, Сувон Мели, Қозоқбой Йўлдошев, Нурбой Жабборларни фақат қадрлаб қолмай, ўзимча бир оз яхши ҳам кўриб юраман.

Гап Шуҳрат домла устида бораяпти.

Кўркам олимлари бўлган бир юртда у қамоқдан қайтгач ҳам тугал ҳимояга олинмагани (буни олимлар эплашолмагани) нима — бепарволикми ёки "бир ёқадан бош" чиқаролмасликми? Тушунмайман. Даврни айблаш, гуноҳни тўнкаш осон. Лекин буюк Алишер Навоий замонидан, балки илгарироқдан келган — ижодкор меҳнатига ҳурмат, унинг ҳаётдаги ўрнини билиш, ёзганларини англашга уриниш, лутф сўнгги



асрларда йўқолиб кетгани фақат даврга боғлиқ эмас, асрий жаҳолат белгисидир. Мумтоз адабиёт тадқиқотига нисбатан сўнгги давр адабиётига баҳо бериш (айниқса, Мустақилликка эришгунча) анча орқада қолган, саёз, аксар ёлғончи, адолатсиз ва шафқатсиз намойиш касб этгани менга алам қилади. Шўро даврида шаклланиб "адабий танқид"га айланган адабиётшунослик ҲАЛОЛ ва ҲАРОМни ажратмаслик ҳолига тушган эди. Айрим адабиётшунослар то ҳамон ҳаёт ва адабиётнинг аниқ (реал) манзарасини чизишга қобил эмас экан, бу — Кечаги руҳий касалликнинг асоратидир.

Шуҳрат аканинг шеърларидан "Жаннат қидирганлар", "Олтин зангламас" сингари романларигача — қайси асари босилмасин, албатта, бирон адабиётшуноснинг (ҳимоят қаёқда, аксинча) ўз тазйиқини ўтказганча, "ақл ўргатиб" писиллагани ҳар қачон менинг ғашимга теккан. Ана, эсимда, домланинг шеърлари бир гал босилганида қайсидир адабиётшунослар "соч оқи ҳақида шеър кўп" деб айб қидиришган. "Бадиий маҳорат" бобида уни "тарбиялаш"га уринишган. Бундай "олим"лар Шуҳрат ака учун "соч оқи" умрнинг зое кетганидан ЎКИНИШ рамзи эканлигини тушунмайди-да! Бу кичик бир мисол... Адабиёт "нонини еган" олим ёзувчининг ҳаёти, қисмати, яшаган муҳитдаги шароит, имкониятни ўйлаши керак.

Тўғри, қамоқдан қайтганидан кейин, у тез ва кўпроқ ёзишга уринган. Бунга сабаб, ҳаётидаги бардам йиллар совурилганидан, унинг хаёлида биргина УЛГУРИШ деган сўз турар эди.

Мен айтмоқчиман, шу даврда Шуҳрат домла уруш ва қамоқ давридан кам азобланганий йўқ. Бир томондан, бошингдан кечирганингни қайта "яшаб", ёзиш машаққати. Иккинчи томондан, меҳнатинг қадрсизлиги, ҳужумлар. У битта-яримта "яқинлар"ни айтмаганда, доим ўзи-ўзини ҳимоя қилишга мажбур эди.

* * *

Ўша, унвон теккан кун бир неча ёзувчилар сафида, ниҳоят, Шуҳрат домланинг уйидан кўчага чиқдим. Аср билан шом ораси эди. Ҳамроҳларимдан биров:

— Шу палланинг номи нима? Биласизларми? — деб сўради ва дарҳол ўзи жавобни ҳам айтди: — Завол пайти...

Кўчада ёлғиз қолгач, хаёлга ботганимча бу гапга рамзий маъно бериб, қодир Худодан юртимиз, халқимиз ҳаётида, қачондир тарихда қалқиб, узоқ ҳукм сурган қарамлик, жоҳиллик, парокандалик ("пичоқнинг сопини ўзидан чиқариш") мангу барҳам топишини тиладим.

Яна қодир Худодан юртимиз, халқимиз ҳаётида ҳеч қачон завол пайти бўлмаслигини тиладим...

Журналларни варақлаганда...

### "Жаҳон адабиёти" 2008 йил, март

Журналнинг янги сони машҳур рус шоири, ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ илк шеърий тўпламлари билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонган, Борис Пастернакдек атоқли адибнинг назарига тушган Андрей Вознесенскийни "Сен — бахт таронаси, мен — ғам оҳанги", деб номланган янги туркум билан очилади. Туркумдан шоирнинг "Сен яна нима истайсан мендан?", "Қисса", "Самбит", "Қўшиқ", "Халоскор", "Туш" сингари ўнлаб машҳур шеърлари жой олган. А.Вознесенский шеърларини аслиятдан Мирпўлат Мирзо таржима қилган.





**Гул каби гулшан томон кетмоқдасан,**
**Сендаман мен, сен қаён кетмоқдасан?**
**Лолу гунг бўлди сени савсан кўриб,**
**Гулруҳим, савсан томон кетмоқдасан.**

Мазкур сатрларнинг ўйноқи оҳанги, замиридаги теран фалсафий мазмун беихтиёр Шарқнинг буюк аллома шоири Жалолиддин Румийни ёдга солади. Журналнинг ушбу сонида сиз ҳазрат Румийнинг бир неча ғазалини форсийдан Сирожиддин Саййид таржимасида ўқийсиз.

Ҳозирги замон америка адабиётининг таниқли вакили Даниэла Стилнинг "Саросима", "Чиғириқ", "Эски мактублар" номли бир қанча романлари ўнлаб тилларга таржима қилиниб, кўплаб тиражда чоп этилган. Таржимон Гулчеҳра Муҳаммаджон адибанинг "Саёҳат" романини ўзбекчалаштириб, муштарийларга тақдим этган. Хитойлик ёзувчи Чжан Жуннинг "Ёввойи оққушлар" ҳужжатли қиссаси 1993 йили Англияда "Йилнинг энг яхши китоби", деб тан олинган. Мазкур асарни сиз Файзи Шоҳисмоил таржимасида ўқийсиз.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида "Инсон ва табиат" рукнида атоқли адибимиз Пиримқул Қодировнинг "Буюк мувозанат" мақоласини, Нобел маърузалари туркумидан Дорис Лессингнинг маърузаси матни, адибанинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар, у билан қилинган суҳбатлар таржимаси билан танишасиз.

Таниқли адабиётшунос олимлар Умарали Норматов ва Ҳамидулла Болтабоевнинг суҳбатида адабиёт назариясининг долзарб муаммолари, хусусан, янги назарий тамойиллар ҳақида фикр юритилади. Нўъмон Раҳимжонов ва Ортиқбой Абдуллаевнинг "Аср гулдастаси" тақризи "XX аср ўзбек шеърияти антологияси" таҳлилига бағишланган.

Саргузашт, детектив жанр ишқибозлари эътиборига ушбу сондан бошлаб машҳур америкалик ёзувчи Чарльз Вильямснинг "Ажал нафаси" романи (Тўлқин Алимов таржимаси) тақдим этилган.

# "ҚАРО КЎЗИМ"НИНГ ҚОРАКЎЗЛАРИ

***Бундан бир неча йил аввал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, халқ маорифи аълочиси, мақом йўли ижрочиларининг ашаддий мухлиси Адҳамжон Мамаюсуповнинг кўнглида бир ёруғ фикр уйғонди. Уйғондию унинг тинчини ўғирлади. Токи бир қарорга келгунча кўп режалар тузди. Шу пайтгача болалар мақом йўлида куйлашмаган. От изини той босар деганларидек, устозлар йўлини давом эттириб, авлоддан авлодга етказиш навбати истеъдодли болалар қўлида бўлиши лозим. Шу тариқа Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар 7-болалар мусиқа мактаби қошида "Қаро кўзим" деб номланган болалар мақом ансамбли дунёга келди.***

Адҳамжон болаларга, аввало, мақомнинг илк шаклланиш йўллари ҳақида, бу санъатда ўзбек халқининг тарихи, муҳаббати, ноҳақликка қарши исёни, бир сўз билан айтганда, халқнинг дарду алами ўз ифодасини топганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди. Кейин аста-секин ашулалар ижросига ўтди.

Ансамбл қатнашчилари "Шашмақом"нинг "Сарахбори дугоҳ", "Сарахбори Наво", "Насруллойи" каби қўшиқларини ўрганиб бордилар. Шундан сўнг жамоа Бухорода бўлиб ўтган Муҳиддин Қориёқубов номидаги ёш қўшиқчилар республика кўрик-танловида иштирок этди. "Қаро кўзим"нинг репертуари "Насри баёт" (Бобур ғазали), "Дугоҳ — 4,5" (Хислат, Лутфий ғазаллари), "Қўқон уш-шоғи" (Сарёмий ғазали), "Самарқанд ушшоғи" (Зебуннисо ғазали), "Гулузорим", "Баёт — 2" (Навоий ғазаллари) каби мумтоз қўшиқлар билан бойиб борди.

— Биз катта имтиҳон — Тошкент шаҳрида бўладиган Мухтор Ашрафий номидаги ёш қўшиқчилар танловида қатнашишга жиддий тайёргарлик кўрдик, — дейди ансамбл қатнашчиси Илҳомжон Расулов. — Устоз Адҳамжон Мамаюсупов раҳбарлигида "Қўш чинор" (Навоий ғазали), "Нигорим келур" (Ҳабибий ғазали), "Тановар" (халқ сўзи), "Уфори баёт" (Навоий ғазали) каби мумтоз ашулаларни ўргандик, устозларнинг ижро усулларига разм солдик. Меҳнатимиз зое кетмади. Кўрик-танловда 2-ўринни олиб, диплом билан қайтдик.

2004 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган республика болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг кўрик-танловида "Қаро кўзим" мақомчилари 1-ўринни эгалладилар.

— Бу ансамбл аъзолари ижросида мақом қўшиқлари ўзгача жило билан куйланади, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Назиржон Назаров. — Шаҳримизда ўтказилаётган Мустақиллик байрамида, вилоятимизда ўтадиган барча байрам тадбирлари, ҳатто республика миқёсида ўтказиладиган катта байрам тадбирларида "Қаро кўзим" ансамблининг ўз ўрни бор. Келгусида ансамбл қатнашчиларидан ўзбек мумтоз қўшиқчилигимизни юксакларга кўтара оладиган санъаткорлар етишиб чиқишига имоним комил.




Болалар ансамбли ўз атрофига Ғайрат Ғаниев, Авазхон Ҳошимов, Зуҳра Ғаниева, Мадина Саидаҳмедова, Муҳриддин Мирзаев, Ҳаётхон Самиева, Рашидхон Йўлчибоев каби ўнлаб ёшларни жамлаб, мустақил йўлини белгилаб олди. 2006 йили Қўқон шаҳрида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ва шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликда ўтказган "Мумтоз қўшиқ ижрочилари" танловида ансамблнинг иштироки тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Жамоа 2006 — 2007 йилларда Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми жамғармаси томонидан ўтказилган "Янги авлод" учинчи ва тўртинчи болалар ижодиёти фестивалида анъанавий ва эстрада ижрочилиги йўналиши бўйича фестивал лауреати бўлди.

— Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Шашмақом сабоқлари" машғулотларидаги концертларимизда олқишлар билан қайт-қайта саҳнага таклиф этишди, — дейди ансамбл иштирокчиси Музаффар Рўзметов. — Бундай катта даргоҳда мақом йўлларида куйлаш бир томондан шарафли бўлса, бир томондан одамни ҳаяжон босади. Бу биз учун катта имтиҳон эди. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик байрами тантаналаридаги иштирокимиз ҳам эл олдидаги ҳисоботимиз бўлди.

— Болалар қалбида гўзал, мумтоз ва ўлмас мақом ашулаларимизга ҳурмат, меҳр-муҳаббат уйғотиш асосий бурчимиз, — дейди А.Мамаюсупов. — Қўшиқ ижрочилари аввало ички маданиятни, чуқур билим зарурлигини, санъатга ҳурматни сақлаган ҳолда куйлашни унутмасликлари даркор. Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Ориф Алимаҳсумов, Фахриддин Умаровлар дилдан ёниб куйлаганлари учун ҳам бир умр халқимиз қалбида эъзоз топдилар. Ёш ижрочилар учун ана шу санъаткорлар ҳаёти ва ижоди катта сабоқ бўлади.

"Ёшлар йили" мақом дастаси иштирокчилари учун оламжаҳон орзулар, режалар, янги ғоялар бахш этди. Интилганга толе ёр, дейди донолар. Интилишдан, изланишдан толманг, "Қаро кўзим"нинг қора кўзлари.

**Муҳаббат ТУРОБОВА**

# ЎЗИ ИСБОТЛАГАН ҲАҚИҚАТ

***Ёши анча улуғлигига қарамай, рассом Анатолий Прокофевич Слугин ҳали жуда тетик, ҳаракатчан, сўзлаш услубида, ўз қарашларини ҳимоя қилишида болаларча беғуборлик сезилиб туради. Одамларга эътиборли бўлгани учун ҳам Бадиий академия ижодий уюшмаси фахрийлари уни ўз секцияларига раҳбар этиб сайладилар.Етмишдан ошган бу ижодкор Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти, республика Бадиий фонди эксперт ҳайъати аъзоси. Республикада ўтказиладиган турли кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келади.***

*Рассом устахонасида*

Каттақўрғонда туғилган Анатолий 4 ёшида кучли электр тўлқинига учраб, тўшакка михланиб қолган, врачлар унинг омон қолишига шубҳа билдиришганди. Лекин бола омон қолди. Ҳамма тенгдошлари қатори самолётлар, танклар суратини чизарди. Расм ўқитувчиси В.С.Родин: "Сен фақат чизишинг керак, бу сенинг ишинг", — дейди. Бироқ Анатолий рассом бўлгунга қадар профессионал слесар, чилангар касбларини эгаллади. Республика бадиий билим юртини битириб, безакчи рассом сифатида ишлаган вақтларида бу касблар унга жуда асқотди. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини (Санъат институти) битиргандан сўнг "Ёш гвардия" театрида, Ҳамза, Муқимий номидаги театрларда, вилоят театрларида ишлади. У бир вақтнинг ўзида постановкачи рассом, бадиий конструктор, рассом-моделер, кийимлар рассоми, безаклар муаллифи вазифаларини бажарарди.



Рассомнинг "Можаро", "Медея", "Ҳамлет", "Ричард III", "Суқрот", "Луиджининг юраги", "Борис Годунов", "Ревизор", "Майсаранинг иши" каби саҳна асарларига ишлаган безаклари мутахассис ва мухлисларга манзур бўлди. Муқимий номидаги театрнинг "Рожа" спектаклига ишлаган безакларини Ҳиндистон элчихонаси ходимлари ва меҳмонлар юқори баҳолашди.



Рассом муваффақиятининг сири шундаки, ҳар бир асар устида ишга киришишдан олдин ўша асар воқеалари акс этган даврни, маданияти ва санъатини, турмуш тарзини чуқур ўрганишга ҳаракат қилади, ишга ижодий ёндошиб, пиеса мазмунини қайта тафаккуридан ўтказади, янги қизиқарли деталлар топа билади.

Ижодкорнинг кино ва телевидениедаги ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Бу ўринда Аброр Қосимовнинг "Буюк ипак йўли" ва Шавкат Жунайдуллаевнинг "Чархпалак" сериалларини эслаш ўринли. А.Слугин Исамат Эргашевнинг "Буюк Амир Темур" филмига ноёб реквизитлар ишлаган, унинг эскизлари бўйича тўрт мингдан ортиқ қурол-яроғлар тайёрланган. Унинг лойиҳаси асосида ҳаракатланувчи улкан минора қурилиб, ичига элликта актёр жойлаштирилган ва улар қалъага ҳужум қилишда қатнашган.

Рассомнинг рангтасвирдаги ижод намуналари ҳам оз эмас. Турли жанр, услуб ва йўналишларда ишловчи ижодкорнинг портрет, манзара, натюрморт асарлари мойбўёқ, темпера, гуаш, қаламда чизилган. Портрет асарлари персонаж шахсиятига чуқур кириб борилгани, психологизми билан ажралиб туради. Сувлари шалдираб турган тоғлар, ўсимликлар олами, булутли осмон кўринишлари рассом мўйқаламида ўзгача жилоланади. А.Слугиннинг ишлари Германия, Канада, Туркия, Болгария, Англия давлатларидаги хусусий тўпламларида сақланиши бежиз эмас. Шу йўналишдаги ижодий ишлари Бадиий академиянинг тасвирий санъат соҳасидаги кумуш медали билан тақдирланган.

Анатолий Прокофевич бир неча йиллардан буён Тошкент архитектура-қурилиш институтида макет, чет эл рекламаси, нур дизайни, моделлаштириш, расм, тасвирий санъат бўйича талабаларга таълим бермоқда. Зеро, бугунги кунда дизайн ва архитектура соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга эҳтиёж кучли. Кафедрада тасвирий санъат студиясининг ташкил этилишида ҳам А.Слугиннинг хизмати катта. Унинг ташаббуси билан "Устоз ва унинг шогирдлари" кўргазмали экспозициялар ташкил этилади.

Баъзан бу рассомнинг қизиқиш доираси нақадар кенглигини кўриб, ҳавасинг келади. Астрологияга қизиқиши туфайли Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги астрология академиясида ўқиди. Олган барча билимлари асосида "Аёл астрологияси" китобини яратди. Ўқиш асносида ҳар бир одамнинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини, фақат тинимсиз меҳнат билангина уларни юзага чиқариш мумкинлигини чуқур тушуниб етди ва буни ўзи мисолида исботлаб берди.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА,**
**санъатшунос**

# БОЛАЛАР НИМАЛАРНИ КУЙЛАШЯПТИ?

*Қувончак мактуб*

Жажжи болажонларни кўрганингизда кўзингиз қувнайди, қўнғироқдек овозларини эшитиб дил яшнайди. Агар улар шу жарангдор овози билан қўшиқ куйласа-чи – бутун борлиғингиз нурга тўлади, олам кўзингизга жаннатдек туюла бошлайди, чунки ҳаётнинг бор қувончи улар қалбида мужассам, гўё.

Болажонларни биз фаришталарга ўхшатамиз. Улар тимсолида фақат яхшилик, эзгулик кўрамиз, сўзларидан самимият кутамиз. Балки шунинг учундир, болажонлар айтган қўшиқларда ҳар доим болалик самимияти, ёшлик тароватн, ҳаёт қувончи, олам гўзаллигию яшаш иштиёқи каби романтик руҳият куйланишини хоҳлаймиз. Бундай қўшиқлар нафақат катталар қувончи учун, балки ўша ёшдаги болалар учун ҳам муҳим. Чунки ёш болаларда бировга эргашишга, тақлид қилишга майл кучли бўлади. Улар асосан тенгдошларидан кўп нарса ўрганишади. Бунга биргина мисол. Эсимда бор, ҳали унда анча ёш эдим, ўртоқларим билан ўйнарканмиз, улар Достон Убайдуллаевнинг "Тулпор" қўшиғини оғиздан қўйишмасди. Гўё, шу қўшиқни айтишардию ўзлари ҳам тулпорга ўхшашарди. Кучларига куч қўшилиб югуришарди:

**Тулпор-тулпор, тулпор-тулпор**
**Белида эгар, белида эгар.**
**Шамол-шамол, шамол-шамол**
**Новдани эгар, новдани эгар.**
**Юрагим-юрагим, юрагим-юрагим**
**Тулпор бўлса, тулпор бўлса.**

**Булут-булут, булут-булут**
**Бошимга тегар, бошимга тегар.**

Бироқ йиллар ўтгани сайин биз бундай қўшиқларни камдан-кам учратмоқдамиз, бундай қўшиқларни топиш ҳатто маҳол бўлиб қолди. Бугун катталар қўшиқчилиги каби болалар қўшиқчилигида ҳам жиддий муаммолар содир бўлмоқда. Авваллари болалар ширин орзулар ҳақида қўшиқ айтишган бўлишса, ҳозиргилар ҳалитдан армон ҳақида куйлашади. Авваллари болажонлар яхши ўқиш, мактабга бориш, устозларни эъзозлаш ҳақида куйлашган бўлишса, энди мактабдан, сабоқлардан безиш кайфияти ошкора қўшиқ қилиб айтилмоқда. Хусусий радиоканалларда "қўшиғи" эфирга узатилаётган Ботир исмли боланинг гапларидан худди шу нарса англашилади.

Бир ўйлаб кўрайлиг-а, эрта-индин машҳур қўшиқчи бўлишни орзу қилган бу болакай бугун ўз тенгқурларини нимага даъват қилмоқда. Тўғри, балки у нима деяётганини ўзи ҳам тўлиқ англамас, бироқ унинг атрофидаги катталар наҳотки эътибор бермаган бўлишса. Ҳар ҳолда бу қўшиқнинг сўзию мусиқасини боланинг ўзи ёзиб, ўзи куйламаётгандир.

Баъзи шу каби "қўшиқ"ларга олинган клипларни кўриб ёқа ушлайсиз. Жумладан, Сарвар исмли болакайнинг "ABV" қўшиғини ҳамма билади. Минг марта эшитган билан сўзларига тушуниб бўлмайдиган бу "қўшиқ"нинг клипида ярим-яланғоч қизларнинг "рақс" ҳаракатлари, ҳатто шаҳвоний муқом қилишлари кишини ҳайратга солади. Ёш боланинг бундай ҳолатлар олдида гўё ҳаммаси оддий ҳолдек куйлашидан ёқангизни ушлайсиз. Булар бир-икки мисол холос, лекин изласангиз бундай қўшиқлардан ўнлаб топилади.

Катталар, биринчи навбатда тажрибали хонандалар болаларга фақат яхши нарсаларни ўргатишлари лозим. Чунки улар аждодлардан мерос бўлиб келаётган анъаналарни яхши билишади, яхши англашади. Шу боис ҳам ҳақиқий санъатни қадрлашади. Айтмоқчимизки, устозлар ёшларнинг қўлларидан тутиб, уларга раҳнамолик қилишсин ва яхшини ёмондан ажратишларида ёрдам беришсин. Ғарбнинг "оммавий маданият"и (pop culture)дан ҳақиқий санъатнинг фарқини яхши англайдиган, ўз ишининг усталари бўлмиш санъаткорларимиз болалар қўшиқчилигига ҳам жиддий эътибор қаратишса ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда, "Болажон", "Анора", "Ширинтой", "Томоша" каби гуруҳларнинг фаолияти сусайиб, ўрнига юқоридаги каби "ғаройиб" қўшиқларнинг кўпайиши эътиборталаб масала, назаримда. Биз эртанги кун пойдеворини бугундан қурар эканмиз, энг аввало, унинг мустаҳкам бўлишини таъминлашимиз лозим. Зеро, Президентимиз айтганларидек, фарзандларимиз биздан кўра доно, биздан кўра билимли ва биздан-да бахтли бўлишлари шарт!

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**
**Санъат институти талабаси**

***Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.***

***Лойиҳа номи: «Истеъдодли ижодкор ёшлар маҳоратини ошириш, ОАВ учун малакали кадрлар етказиб бериш орқали уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштириш».***

# БОБОСИНИНГ СОЗИН ТУТИБ...

***Ҳамиджон ҳар гал ўша кунларни эслаганида, интиқ бир соғинч билан бобосини қўмсайди. Ўшанда Маллабой ота ойнаи жаҳонда Бобораҳим Машраб ғазали билан айтилувчи "Эй санам" ашуласини куйлаб, "Марҳабо талантлар" кўрик-танловининг ғолиби бўлган эди. Тошкентдан қайтгач, беқасам чопонига қадалган лауреатлик нишонини олиб, набираси Ҳамиджоннинг кўксига тақиб: "Болам, сени ҳам шундай кунларга етказсин!" дея дуо қилганди.***

Маллабой ота асли деҳқон, аммо турли сайиллар, тўйларда номдор ҳофизлар даврасида басма-басига хониш этарди. У катта ашула сирларини устози — балиқчилик ҳофиз Маматхон эшондан ўрганган. Кексалар Маллабой ҳофизнинг катта Фарғона канали қурилиши майдонида куйлаган ашулаларини яхши хотирлайдилар. Отанинг тўнғич фарзанди Ғанибой ўша йиллари жамоа хўжалигининг "Машъал" ашула ва рақс ансамблида бадиий раҳбар бўлган. Маллабой ота ва унинг оила аъзолари эса ана шу ансамблнинг фаол иштирокчилари эди...



Бугунги кунда Маллабой отанинг набираси Ҳамиджон ҳам дилрабо хонишлари билан санъатсеварлар кўнглидан жой олиб келмоқда. Ҳамиджондаги санъатга бўлган иштиёқни илғаган мусиқа муаллими Усмонжон Турсунов уни мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагига олиб киради. Ёш ҳаваскор у ерда, аввало, соз сирларини, оҳанг йўлларини ўрганади, рубоб чалишни машқ қила бошлайди. Бу интилишлари сабаб 9-синфда ўқиб юрган кезларида республика қишлоқ бадиий ҳаваскорлари кўригида муваффақиятли иштирок этади. Ўрта мактабни тугатгач эса, бобосининг фотиҳаси билан Наманган маданият коллежига ўқишга киради.

Ҳамиджон "Марҳабо талантлар" кўрик-танловида "Соғинганда" қўшиғини куйлаганида, ҳакамлар унга "Келажаги ёрқин истеъдод" дея баҳо бергандилар. Хонанда Белоруссия, Франция, Швецария ва Корея давлатларида ўтказилган турли фестивалларда, "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик-танловларида бир неча бор қатнашиб, лауреатлик дипломлари билан тақдирланган. У "Ноз бирлан", "Эй санам", "Насруллойи", "Муножот", "Гулузорим", "Ушшоқ", "Фарғона тонг отгунча", "Дугоҳ" каби мумтоз ашулалари, "Гулим нечун", "Нозли гўзал", "Эй малак", "Райҳон", "Отани асраш керак", "Онажонлар" сингари лирик ва замонавий тароналари билан мухлислари кўнглини хушнуд этиб келмоқда.

Ҳ.Маллабоев ҳозирда Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида вокал артист сифатида ҳам фаол ижод билан машғул. Устози — Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовдан ижро жилоларини ўзгача бир интиқлик билан ўрганмоқда.

Ҳамиджон ҳар гал янги қўшиқни ўрганишни бошлар экан, бобосининг қозиқда илиғлиқ турган тўнини олиб юзларига босади-да, сўнг торини қўлига олади...

**Лутфиддин ҒАФФОРОВ**

# ЁШ РАҚҚОСАЛАР ЮТУҒИ

Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳридаги хореография олий билим юртида "Орлеу" халқаро рақс кўрик-танлови бўлиб ўтди. Рақс санъати ривожи учун истеъдодли ёш ниҳоллар кашф этиш мақсадида ташкил этилган бу танловда Қозоғистон, Қирғизистон, Корея, Япония, Россия ва Ўзбекистон Республикаси хореография олий мактабларидан саралаб олинган энг истеъдодли ўқувчилар иштирок этдилар.

Тўрт кун давомида машҳур раққос Рамазан Бапов раислигидаги ҳайъат аъзолари уч гуруҳга бўлинган ёшларни "Миллий рақс" ва "Мумтоз рақс" йўналишлари бўйича кўрикдан ўтказдилар. Шуни айтиш жоизки, ҳакамлар ҳайъатида юртдошимиз, Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева ҳам бор эди.



Танловда Ўзбекистондан қатнашган Миллий рақс ва хореография Олий мактабининг 9-синфи ўқувчиси Гуландон Қуронбоева "Миллий рақс" йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди.

"Бир ой давомида устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайҳо Раҳматуллаева билан тайёргарлик кўрдим, — дейди Гуландон. — Танловда хоразм ва андижон полкаси рақслари билан иштирок этдим. Ўзбек рақсларини олқишлар билан қарши олишди. Қозоғистондан иштирок этган раққоса ўз миллий рақси билан бирга бизнинг хоразмча рақсимизни ҳам ижро этганини кўриб, ўзбек рақсларига талаб катталигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим". Хореография олий мактаби ўқувчиси Лейла Аҳмедова энг ёш гуруҳда иштирок этиб, мумтоз рақс йўналишида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Евроосиё маданияти фонди президенти, халқаро "Қадриятлар соврини" (Приз традиций) балет артистлари фестивалининг бош директори, "Орлеу" кўрик-танловининг ташкилотчиси Ерулан Канапянов ёш раққос ва раққосаларни 2010 йили апрел ойида ўтказилиши белгиланган навбатдаги танловга таклиф қилди.

15 апрел куни Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси кўмаги билан Қозоғистоннинг Ф.Селезнева номидаги хореография олий мактаби ўқувчилари "Балет кечаси" концерт дастурларини намойиш этадилар.

**Ирода МИРҲУСАНОВА,**
**Миллий рақс ва хореография**
**Олий мактаби талабаси**

# ҒИЖЖАКЧИЛАР УСТОЗИ

Куй — инсон қалбидаги қувончу армон, аламу изтироблар инъикосидир. Нолаю фиғон оҳанглари, айниқса, ғижжак наволарида ўзгача таралади. Ғижжак сози ижрочилик мактабининг ёрқин вакилларидан бири, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Мурод Тошмуҳамедовдир. У 1961 йилдан буён шу чолғу бўйича юздан ортиқ шогирдлар тайёрлаган. Мурод Тошмуҳамедов "Ғижжак наволари", "Ғижжак дарслиги", "Ғижжакда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш" каби кўплаб дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ёзган. Муаллифнинг ғижжак учун илк бор мослаштирган "Рақс" ("Зайнаб ва Омон" операсидан), "Найрез" (тожик халқ куйи), "Норим-норим", "Оразибон" (Хоразм халқ куйи), "Шарқона рақс" ("Лайли ва Мажнун" операсидан), "Чаман ялла", "Испанча серенада", "Шарқ фантазияси" куйлари дарсликларга ноталари билан киритилган.

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида ўзбек анъанавий ижрочилигига хос безаклар, турфа нола ва қочиримлардан кенг фойдаланиб, ғижжакда замонавий ижро услубларини яратиб, мусиқанинг таъсирчанлигини кучайтирган фидойи устознинг ижодий кечаси бўлди.

Концертда М.Тошмуҳамедовнинг шогирдлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қаҳрамон Комилов, Аҳмаджон Дадаев, "Нола" гуруҳи хонандаси Абдулла Шомағрупов, Ғанижон Тошматов номидаги "Дуторчилар" ансамбли хонандаси Гулсора Тошматова, республика ва халқаро танловлар лауреатлари Қаҳрамон Назиров, Ўткир Қодиров, Умид Эшонхўжаев, Маҳмуд Алибоевлар қатнашдилар. Дастурда Ғ.Тошматов, Н.Ҳасанов, Ф.Содиқов, Ф.Алимов каби композитор ва бастакорларнинг асарлари, ўзбек халқ қўшиқлари, айрим ғарб халқ куйлари янгради.

Мурод Тошмуҳамедовнинг шогирди, доцент Қаҳрамон Назиров устози ҳақида шундай деди:

— Устознинг сабоқлари, аввало, шуниси билан қадрлики, ҳар бир дарсда куйни ўзлари чалиб, амалда кўрсатиб берадилар. Куйни ўрганиш жараёнида нотадаги ҳар бир белгига алоҳида тўхталиб, нола, қочиримлар ишлатиладиган штрихларни чалиб кўрсатадилар. Булар жаҳон классик композиторлари, ўзбек бастакорлари яратган асарларни нота ёзуви асосида тўғри ўрганишга ёрдам беради. Ғижжак созидаги куйларни ноталаштиришимга сабабчи ҳам Мурод ака Тошмуҳамедов бўладилар. Бундан ташқари, домла халқ меросини ёшларга ўргатиш билан бирга, унинг ноёб намуналарини нота ёзувига туширишда ҳам кўп иш қилганлар. Бир сўз билан айтганда, шогирдлар устоз ўгит ва сабоқларидан ҳамиша баҳраманд ва миннатдорлар.

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**консерватория талабаси**

*Журналларни варақлаганда...*

***Кўпчилигимиз учун қадрдон ва маънавий ҳамроҳ бўлиб қолган "Ҳидоят" журналининг жорий йилда чоп этилган сонларида, аввалги йиллардагидек, кўплаб исломий-маърифий мақолалар, билиб қўйишимиз зарур бўлган муҳим маълумотлар, ислом фалсафаси, маданияти ва маърифати йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлардан парчалар эълон қилинган. Эътиборлиси шундаки, журнал жамоаси ўз саҳифаларида турли мавзуларда ёзилган дунёвий мақолаларни ҳам изчиллик билан ёритмоқда. Чунончи, "Ислом ва олам", "Мовароуннаҳр уламолари", "Холис назар", "Олисларга саёҳат", "Хотира", "Саҳобалар ҳаёти" рукнлари остида берилаётган мақолалар журналнинг турли касб эгалари бўлмиш мухлисларига манзур бўлаётир. "Дўст-ёр, қариндошларни чақириб, туғилган фарзанд учун шукрона қилиш, соғлом, салоҳиятли, илмли, динига, эл-юртига хизмат қиладиган солиҳ инсон бўлишини сўраб, кўпчиликнинг дуосини олиш ҳам фарзанд келажагига эътибордир, — деб ёзади муфтий Усмонхон Алимов "Тарбия ҳаёт демакдир" сарлавҳали мақолада. — Тарбия фарзанд каттароқ бўлиб, ўзини таний бошлаган палладан эмас, ҳатто туғилмасидан олдин — она уни вужудида кўтариб юрган даврдаёқ бошланади. Фарзанд туғилганидан кейин эса тарбияни бир кун ҳам унутмаслик лозим".***

***Қуйида журналнинг январ ойи сонида эълон қилинган Мисрдаги Зақозиқ университети профессори Ҳотам Абдураҳмон Маҳжубнинг бир мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

# ҚОҲИРАДАГИ "ЎЗБЕК БОҒИ"



Қоҳира шаҳрида "Ўзбек боғи" номида буюк бир тарихий гўша бор. Мақризий зикр этишларича, бу ўзбек гузари ат-Таббола вал-Лавқ ўртасида жойлашган. Холиж бўғози орқали Нил суви оқиб турадиган, Қоҳирадан чиқаверишдаги энг обод ва кўркам гузарлардан биридир.



Ўзбек маҳалласи Қоҳира шаҳрига Султон Қайтбой (1468 — 1496) даврида қўшилди ва ўша вақтнинг машҳур амирларидан бири бўлган Ўзбек ибн Татиш исмидан келиб чиқиб, "Ўзбек маҳалласи" деб атала бошланди. Амирнинг ўзи шу маҳаллада яшагани боис уни гўзал масканга айлантиришга аҳамият бериб, қатор уйлар, саройлар, ҳосилгоҳлар қурдирди. Дўнглик ва чуқур жойларни кўмдириб, текислаттирди. Носирий бўғозидан сув келтириб, яна бир гузар барпо этди. Бу жойда кейинчалик 1494 (900 ҳижрий) йилнинг шаъбон ойида ўзининг машҳур жомеини қурди, унинг атрофида ҳаммомлар, тегирмонлар, иссиқхоналар тиклади. Бу ерга аста-секин одамлар жойлаша бошлаб, унинг майдони ҳам кенгайиб борди.

Амир Ўзбек 1477 (882 ҳижрий) йили маҳалла қурилишини тугатиб, Султон Қайтбойни таклиф этди. Султон Қайтбой гузардаги узун қасрга келиб жойлашди. Бир кеча шу ерда тунади. 1485 (890 ҳижрий) йил шаъбон ойида ўзбек қалъасининг очилиш маросими ўтказилди. Шу куни Амир Ўзбек барча амир (волий)ларини қасрига чорлаб, зиёфат берди. Атрофга турли қандиллар ўрнатилди. Гузарга карвонлар қатнай бошлади, кенг майдонда чодирлар тикланиб, одамлар бу ерга истироҳат ва гаштак учун кела бошладилар. (Шайх Шамсиддин Қодирий бу ҳақда гўзал қасида ҳам битганлар).

Ўзбек минтақасининг гуллаб-яшнаши йўлида қилган тенгсиз хизматлари учун Султон Қайтбой Амир Ўзбекка илгари қурол-яроғ хазинаси учун вақф қилинган катта ерни расмий ишончнома орқали тортиқ қилди.

XVII асрда ҳажга отланиб Мисрга келган дамашқлик ҳожи Абдулғани Исмоил Дамашқий ўзбек маҳалласида яшайдиган Бакрий саййидлари сулоласининг шайхи Шайх Зайнулобидин Бакрийнинг уйида меҳмон бўлди. Нобилисийнинг "Жаннат гўшаларидан бири, чаманзору гулзорга, равҳу райҳонга бурканган ўзбек гузаридаги узун суҳбатлар тўғрисида"ги сўзларига кўра, ҳожи гузарда қад ростлаган кўркам ва шинам уйлар, тартибли дарахтлар, узун ва кенг кўчаларни кўриб, қойил қолган. Ўша вақтда ўзбек маҳалласининг экинзор ерлари ҳайдалган ва ҳар йилги одатга мувофиқ "Хос" экинини экиш тугалланган эди.

Нобилисий ҳазратлари нафақат ўзбек гузари, балки унинг соҳиби амир Ўзбекнинг ҳам хайрли ишларига қойил қолганларини ифодалаб, ўзбек гузарининг чароғонлиги гузарнинг фаришталар тушадиган муборак гўшалигидан, деб бу ҳақида қасида битганлар.

XVIII асрга келиб ўзбек маҳалласи Қоҳиранинг бой-бадавлат ва нуфузли оилалари яшайдиган масканга айланди. Мисол учун 1750 йиллари Катхудо, Ал-Инкишорийлар, ал-Азбонлар шу маҳаллада яшашган.

Муҳаммад Али ва унинг халифалари замонида ўзбек минтақаси миллий минтақа мақомига эга бўлди.

Маҳалла уйларининг деразалари ўта нозик дид билан қурилган айвончалидир. Бу айвонча (балкон)лар Қоҳира аҳолиси йил бўйи гаштак қуриб, дам оладиган томонга қараган эди. Кейинчалик бу ерда Оврупо боғлари каби тартибда ўзбек истироҳат боғи барпо этилди.

Қоҳира шаҳри зиёратига келган ажнабий сайёҳ ўзбек маҳалласини кўрмай кетмайди. Сафарномаларида албатта бу ҳақда таассуротларини ёзиб қўяди. Масалан, фаранг сайёҳи Саври (SAVRY — 1780) ўзбек маҳалласини "Қоҳира шаҳрининг энг кенг гўшасидир, у узун қасрлар, ҳар лаҳзада ранги ва кўриниши ўзгариб турадиган ранг-баранг чироқларга эга, катта кўл бўйидаги обод жойи", деб ёзган.

Яна бир фаранг сайёҳи Шамбилйон ўзбек майдонида ўтган бир мавлуд маросимига гувоҳ бўлади. Бу диний маросимда одамлар майдонни шеър, куй-қўшиқ ва рақсларга тўлдирганларини, баъзилар Қуръон тиловати билан машғул бўлса, уч юз чоғли дарвеш зикр ҳалқасини ташкил қилиб, бир овоздан "Ла илаҳа иллаллоҳ" деб такрорлаётганларини, улардан сал узоқроқда беш юз нафардан ортиқ одам Аллоҳ номини юракдан зикр этиб, минг мароталаб такрор-такрор ўқиётганларининг гувоҳи бўлганини, диний маросим дунёвий шоду хурсандчилик ва байрам тантаналари билан уйғунлашиб кетганидан ҳайрон қолганини таъкидлайди.

Инглиз сайёҳи Эдвард Уилям Лин 1834 йили ўтган мавлуди шариф маросимидан барча кўчалар қандиллар билан чароғон бўлганини, кўп қоҳираликлар рабиуссоний ойининг аввалги ўн кунини ўзбек боғида ўтказганларини, шеърхонлик, аския, дорбозлик, рақс ўйинлари бўлганини, гузарнинг жанубидаги Бакрий бозори кўчасида ҳар тунда дарвешлар зикр ҳалқасини шакллантириб, баланд овозда "Пайғамбарга салот айтмаган кўзга туз тушсин", деб жўр бўлаётганларини, шу жойни 200-300 қандил ёритиб турганини, ҳатто бу томошаларни насроний диндорлари ҳам кўришга чиққанларига кўзи тушганини баён қилади.

Яна бир инглиз сайёҳи Ричард Бэртон 1853 йили ўзбек маҳалласини зиёрат этиб, унга Ғарб одатлари кириб келгани, чунончи, бир қанча одамлар ҳар тун ой ёруғида ўзбек истироҳат боғига олиб борувчи шоҳкўчада ўтириб, туркий ва юнон мусиқалари ўртасидаги фарқларни тинглаб, мунозара қилишганини, нўхат, мош таомларини еб, қаҳва ёки бошқа роҳатбахш ичимликлар ичиб, тонггача ҳазил-мутойиба билан вақти чоғлик қилишларини эслайди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида — Худойвий Аббос Ҳилмий Иккинчи (1892 — 1914) даврида ўзбек маҳалласи тамомила "фаранг" (яъни, тартибли, жуда чиройли) маҳаллага айланган эди. 1898 йили ҳаж сафари давомида Қоҳирага келган турк жаноб Шаҳобиддин ўзбек маҳалласи тўлалигича оврупача маҳаллаларга ўхшаб кетгани, унинг истироҳат боғи Қоҳирада яшовчи оврупалик меҳмонларнинг қароргоҳи бўлгани, боғда Марказий Африканинг ўта нозик ва хушбўй ғаройиб дарахтлари кўпайганини баён этади. Шунингдек, у ерда сокин ва мунгли куйлар чалаётган ҳарбийлар дастасини, ўзларини насроний ҳисоблаб, ҳаддан ташқари ясаниб юрган аёлларни кўрганини, шунда "Нега уларга муслима аёллар кийимида бунчалик ясан-тусан қилишга рухсат берилади?" деган саволдан ўзини тия олмаганини зикр қилади.

Турк сайёҳи ва маданиятшуноси Холид Зиёуддин 1909 йили Қоҳирани зиёрат қилади ва шу ерда суратли китобини нашр эттиради.

Ўзбек боғи Қоҳира аҳолиси учун ҳам жуда қадрли эканига ишора қилади, чунончи, қайсидир хорижий ширкат ўзбек боғини сотиб олиш учун Миср ҳукуматига бир миллион лира беришини айтиб, мурожаат қилганида ҳукумат бу таклифни қатъий рад этганини билдиради.

Ўзбек минтақаси ҳинд сайёҳи Ҳасан Низомий Деҳлавий ҳазратларини ҳам қойил қолдиргани унинг 1911 йилда Қоҳира сафаридаги битикларида айтилади. Сайёҳ ўзбек кўчалари Париж кўчаларидек кенг ва равон эканлиги, оврупаликлар яшайдиган биноларнинг нақадар кўркамлиги, айниқса, бир юнонлик бошқарадиган барча қулайликларга эга ажойиб меҳмонхона унда чуқур таассурот қолдирганини мамнуният билан таъкидлайди.

**Комилжон РАҲИМОВ таржимаси**

## Дунё — кенг...



### БАХНИНГ НОМАЪЛУМ АСАРИ

***Олмон мутахассислари буюк бастакор Иоганн Себастиан Бах ижодининг илк даврларига таааллуқли, ҳали жамоатчиликка маълум бўлмаган асарларидан бирини топишди, дея хабар беради AFP ахборот агентлиги.***



Wo Gott der Herr nicht bei uns haelt номли бу партитурани топган мутахассислардан бири Штефан Блатнинг айтишича, мазкур асар Мартин Лютер университетидаги кимошди савдосига қўйилгандан сўнг, Бах ижодига мансублиги аён бўлган. Гап шундаки, кимошди савдосига XIX асрда Лейцпигда яшаб ўтган бастакор Вильгелм Руст асарлари қўйилганди. Олимнинг сўзларига кўра, Бахнинг ўша партитураси Руст асарлари тўплами орасида сақланган ва савдога ҳам унинг номидан қўйилган.

Бахнинг Лейцпигдаги архивини тадқиқ этган экспертлар, ушбу асар 1705 — 1710 йилларда айнан Иоганн Себастиан Бах томонидан яратилганини эътироф этишмоқда. Wo Gott der Herr nicht bei uns healt номли партитура бастакорнинг тўпламларида қайд этилган. Лекин янги ижод намунаси Бах асарининг тўлиқ ва мукаммал шакли, дейишмоқда мусиқашунослар.

### ЭНГ КАТТА ЗИЁФАТ

***Уругвай пойтахти Монтевидео шаҳрида 1250 нафар ҳаваскор кабобпаз кўчада дунёдаги энг катта зиёфатни ташкил этишди ва бу борада 2006 йил Мексикада ўрнатилган рекордни янгилашди, дейилади Reuters тарқатган ахборотда.***



Йигирма минг нафар киши қатнашган мазкур тадбирда "Гиннеснинг рекордлар китоби" ташкилотининг раиси Дэнни Гиртон ҳам иштирок этиб, ушбу янги рекордни шахсан ўзи китобга қайд этиб қўйди. Эслатиб ўтамиз, Мексикада ташкил этилган зиёфатда кўп сонли хўрандалар учун саккиз минг килограмм мол гўшти пиширилганди.

Монтевидеодаги кўча-ресторанда одамларни кабоб билан тўйдириш учун 12 минг килограмм гўшт, 6 тонна кўмир, 2 мингга яқин тахта панжаралардан фойдаланилди. Кабоб тайёрлашда ёнғин хавфи келиб чиқишининг олдини олиш учун ўнлаб ўт ўчириш машиналари ҳозир бўлиб турди.

Уругвай миллий гўшт саноати институти томонидан ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ушбу кичиккина мамлакатга, қолаверса унинг асосий экспорт маҳсулоти — гўштга дунё жамоатчилиги эътиборини жалб этишдир.

Reuters ахборот агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йили Уругвай гўшт маҳсулотлари экспортидан 817 миллион доллар фойда кўрган бўлса, мамлакатнинг ўзида гўшт сотишдан бир миллиард доллар фойда олинган.

# ТЎЙГА БУЮРГАН БАХМАЛ

*Ён дафтардан*

Ҳаётда кулгили воқеалар ҳам юз бериб туради.

Собиқ шўро даврининг сўнгги йиллари кўп нарса тақчил бўлиб қолган эди. Деярли бўм-бўш дўконлардан излаган нарсангни тополмайсан, ҳатто кафанликка оқ сурп ҳам маҳалла оқсоқолининг рухсати билан бериларди. Шундай кунлардан бирида отам оғир дардга чалиниб қолса денг. Нохуш хабардан ваҳимага тушиб қишлоғимга етиб бордим. Хайрият, шифокорлар отамнинг ҳаётини сақлаб қолишибди!

Онаизорим гапни сал узоқдан бошлади:

— Энди-и, бу ёғи кексалик, болам. Кексалар ўлимлигини тахт қилиб қўяди. Нима бўлсаям, кафанликка оқ сурп обериб кет! Ишлаб юрибсан, қора кунингда ҳам одамлар кузатади. Кейин... тобутнинг устига бахмал ёпмасак бўлмайди...

Ғаройиб удумларимиз бор-да. Бизнинг қишлоқларда гўрков меҳнатига пул олмайди! Бироқ, бу машаққатли ишни бажарган кишини қуруқ қўйиш ҳам инсофдан эмас. Дафн маросимидан сўнг бахмал унга берилади.

Савдо ташкилотидагилар ҳурматимни жойига қўйишди. Илтимосимни инобатга олиб оқ сурп, чиройли бахмал топиб беришди.

Отам омон қолганидан қанчалик суюнсам, онаизоримнинг мамнун бўлганидан кўнглим янада жойига тушиб, ортга қайтдим. Ҳаёт қайнаб турган шаҳарда кунлару ойлар тез ўтиб кетганини сезмай қоласан. Орадан анча ўтиб, ота-онам ҳолидан хабар олиш учун қишлоққа отландим.

— Суюнчи бер! — Дийдорлашиб сўрашгач, онамнинг биринчи гапи шу бўлди. — Худойимга шукур, чевара кўрдим! Опангни қизи — катта неварам Асолат ўғил туғди!

— Эй-й, муборак бўлсин, — дедим қувониб. — Мана, отажонимга ҳам шундай бахтни кўриш насиб этди! Икковингизга ҳам қуллуқ бўлсин.

— Хурсандлигимдан нима қилдим, де? — гапини давом эттирди онам. — Сен оқериб кетган бахмалниям, сурпниям ҳадя қилиб юбордим. Қара, яхшиликка буюрган экан! Топганинг тўйга буюрсин, деган гап бежиз айтилмаган-да! Худо ёрлақади, болам! Илойим, сен ҳам чевара кўргин!..

Сафарим қариган чоғда онамнинг кўзларида яна ёш ғилтиллади:

— Кеча қўшни маҳаллада бировнинг чақалоғи ўтиб қолди. Кафанликка талон берадиган маҳаллаком ҳам, дўкончи ҳам шаҳарга кетган экан. Шўрликлар роса хуноб бўлишибди. Худо шунақа шармандаликдан асрасин-да...

Онам кўзлари билан секингина отамга ишора қилиб қўйди...

Тушунарли...

Туманимизнинг катталари бор бўлсин, ҳар гал ҳурматимни жойига қўйишади! Талон-палон деб қисталанг қилмасдан бахмал, сурп топиб беришди.

Орадан бир неча ой ўтиб қишлоққа борсам, онажоним яна ўзида йўқ севиниб ўтирибди!

— Суюнчи бер, акангнинг ўғлини уйлантирдик! Невара келинни кўриш ҳам насиб этди! Кўрманага бахмални, иримига ўша сурпни инъом қилиб юбордим! Топганинг тўйга буюрганига шукур қил, болам!

Оиламизнинг қувончига шерик бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми!

Бироқ, қайтишда яна ўша гап. Кўзлари билан отамга ишора қилишлари ҳамоно қўлимни кўксимга қўйдим...

Кейинги борганимда отамнинг акаси, Иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб келган амаким саксонга тўлибди! Отамнинг ҳурмати учун онам қайноғасига совға сифатида бахмал беришни лозим кўрибди. Сурпнинг ҳам жойи чиқибди.

— Савоб қилсанг — бутун қил, деган нақл бор, болам. Мустар бўлиб келганида, йўқ дейиш гуноҳ бўлади-я...

— Яхши қилибсиз...

Қайтишда...

Уйда телефоним жиринг этса, юрагим шиwith ширинг этиб кетади. Ишқилиб яхшиликка бўлсин, дейман. Кўпинча пулга ёлчимай юрадиган акам менга телефон қилишнинг уддасидан чиққанига ҳам шукур қиламан. Одатдагидек гўшакдан акажонимнинг бечораҳол товуши эшитилди:

— Сингилчанинг тўйи тезлашиб кетди. Келмасанг бўлмайди.

Сўнгги фарзандининг ширин ташвишидан қутилган ота-онамнинг қувончини кўрсангиз эди. Аллақачон оёққа туриб кетган отам синглимга оқ фотиҳа берганида севинч ёшларимизни тия олмадик! Ҳаммасидан ҳам кўра онажоним тўйда бахмал ва оқлик инъом этганидан хурсандлигини тасвирлашга тил ожизлик қиларди!

Эртаси куни Тошкентга қайтаётганимда онамнинг навбатдаги ишорасига жавобан шундай дебман:

— Хўп десангиз, бахмал билан сурпни уйимга олиб қўйсам, барибир, етиб келаман-ку... Ўшанда олиб келарман...

Муштипар онам, хўп, деган маънода бош ирғаб қўя қолди.

Ниҳоят, телефоним нохуш жиринглади...

Йўл-йўлакай "Ипподром" бозоридан бахмал ва сурп олиб қишлоққа учдим. Беҳуш ётган отам менинг етиб келганимни эшитиб, сўнг қўлимда жон берди...

Онам бахмал ва сурпни олдириб қўйган экан. Менинг тугунимга қарамади ҳам...

Бахт қўша-қўша келганидек, гоҳо бахтсизлик ҳам кетма-кет келар экан. Не ҳолки, кўп ўтмай оанизоримни ҳам сўнгги манзилга кузатдик...

Ўқтин-ўқтин тушларимга онажоним киради. Қўлларида тугун. Ширингина кулимсираб, "Топганинг тўйга буюрсин, болам", деб мени дуо қиладилар.

**Тўлқин ЭШБЕК**



## *Газетхон илҳоми*

*Газетамизни узоқ йиллардан бери муттасил мутолаа қилиб келаётган муштарийлар орасида нафақат адабиёт ва санъат мухлислари, бошқа касб эгалари, табаррук ёшли отахон ва онахонлар ҳам бор. Уларнинг айримлари бугунги тинч, фаровон ҳаётимиздан илҳомланиб, истиқлол шарофатларига шукроналар айтиб, қўлларига қалам ҳам оладилар. Қуйида ана шундай ижодкор отахонларимиз машқларидан намуналар ўқийсиз.*

### СЕВГИ СЎРОҒИ

**Муҳаббатнинг дарёсида**
**тўлқин уриб оққанмисан,**
**Қирғоқдаги гўзал ёрга**
**илтижо-ла боққанмисан?**

**Севги, билсанг, бир гулшандир,**
**турфа кўнгил, турфа гул,**
**Гул ишқида булбул каби**
**кўнгилга ўт ёққанмисан?**

**Сир-асроринг айтолмайин,**
**дарду ғаминг ичга ютиб,**
**Ёрни ёмон кўздан асраб**
**бир кўзтумор таққанмисан?**

**Лабинг ғунча, ёноғинг гул,**
**қаддинг сарву сочинг сумбул,**
**Латофат ҳам адаб бирла**
**юракларга ёққанмисан?**

**Илҳом париси бўлгин сен,**
**хаёл чавандози бўлай,**
**Девон бўлгай изҳорларим,**
**ашъорларим йиққанмисан?**

### ГУЛЛАР ЭКСАМ...

**Дил розимни айта қолай, сарвиноз,**
**Чорбоғингта гуллар эксам унмасму.**
**Турфа гуллар униб чиқса сарафроз,**
**Шохларига булбул келиб қўнмасму.**

**Тақдир деган ҳакам бордир — юзлашар,**
**Меҳр ила қалблар қалбга ўзлашар.**
**Рози бўлиб сен ҳам севсанг, камина**
**Кошонангга олтин устун йўнмасму.**

**Орзу-умид билан топиб бахтимиз,**
**Ўтаверса шўхи-шодон вақтимиз.**
**Меҳр кўзда порлайверса чароғон,**
**Ҳасадгўйларнинг иғвоси сўнмасму.**

**Боғи Эрам тароватн муҳаббат,**
**Икки дилнинг саховати муҳаббат.**
**Кел-ей жоним, юзларингдан ўпайин,**
**Бу бизларга насиб этган кунмасму.**

**Гулгун ҳаёт, бир ёстиқда икки бош,**
**Ёнимдадир юзи ойу қаламқош.**
**Ғужғон юлдуз жимирлар бошимизда,**
**Висол оқшом мўъжизакор тунмасму.**

**Мардон ота БЎРИЕВ**

*Олтинсой тумани*

### ҚУВОНЧ

**Қовоқ солиб ғазабли,**
**Уч ой турган қиш кетди.**
**Қаҳри элга азобли**
**Кунларнинг вақти битди.**

**Кўкка чиқди янги ой**
**Гўё тилик ҳандалак.**
**Пастда уни кутлади**
**Баҳор билан камалак.**

**Онамнинг қучоғидай**
**Илиқ ҳарорат келди.**
**Қадам босган баҳорой**
**Заминга малҳам берди.**

**Сим-сим ёққан ёмғирдан**
**Ўт-ўлан гилам бўлди.**
**Ҳорғин ётган боғимда**
**Дарахтлар гулга кирди.**

**Мана энди қир-дала,**
**Чаманзорга айланди.**
**Баҳор берган манзара**
**Қўшиқ бўлиб куйланди.**

**Тўрақул ота ХОЛМУРОДОВ**

*Тошкент*

# МАЪНАВИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигини дастлаб устозларимиз тавсиясига биноан ўқий бошлаганмиз. Кейин-кейин бу газета бизнинг доимий ҳамроҳимизга айланиб қолди. Унинг саҳифаларида эълон қилинаётган тарих, адабиётшунослик, маданият, маънавий қадриятлар мавзусидаги мақолалар, ижодкорларимизнинг янги шеър ва ҳикоялари биз ёшларга халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганиш, бугунги ҳаётий воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри англашда яқиндан ёрдам беради. Мана, икки йилдирки, газетада эълон қилинган баъзи таҳлилий мақолаларни, янги бадиий асарларни машғулотлар чоғи муҳокама ҳам қиламиз.

Ҳафталикнинг 13-сонида эълон қилинган Абдусаид Кўчимовнинг "Тубсиз қудуқ" ҳикоясини қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва у бизда катта таассурот қолдирди. Ҳикояда қишлоқ ҳаёти, оддий одамларнинг портретлари жуда самимий ва ишонарли тарзда тасвирланган.

Ижодий жамоага янги муваффақиятлар тилаган ҳолда, ушбу газетанинг талабалар шаҳарчасида янада кўпроқ тарқалишини истаб қоламиз.

**Диана ИСМАТОВА, Зарифа НОРҚОБИЛОВА, Мадина ИСАМУҲАМЕДОВА, ЎзМУ талабалари**

• Собир Раҳимов туманида жойлашган «ANIQ XARAKAT» хусусий корхонаси «ANIQ XARAKAT» МЧЖга ўзгарганлигини маълум қилади. Барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар сақланади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-49-93 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 5813. Буюртма Г — 348. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН